



ХУҚУҚШУНОСЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА
ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ

ҲУҚУҚШУНОСЛИК

қайта тайёрлаш ва малака ошириш
йўналиши

“ЮРИДИК ХИЗМАТ”

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

Д.Жўраева – Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенати етакчи
мутахассиси

Такризчилар:

Ф.Эшматова – Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенати аъзоси

Ф.Сафаров – Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенати Юридик бошқарма
бош маслаҳатчиси

*Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат юридик университети кенгашининг
2020 йил ___ _____ даги ___-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА:

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	13
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	22
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	56
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	63
VI. ГЛОССАРИЙ	74
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	81
VIII. ТАҚРИЗЛАР	86

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5847-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3151-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Модулнинг мақсад ва вазифалари

Тингловчиларда юридик хизмат модули бўйича назарий билимлар ва амалий кўникмаларни шакллантириш, фанни ўқитишнинг замонавий ёндашувлари бўйича кўникмаларни шакллантириш, давлат ва нодавлат сектордаги юридик хизматнинг ўзаро фарқлари ҳақида тушунчани шакллантириш, соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий асослар ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, юридик хизмат кўрсатиш жараёнидаги таваккалчилик ва ушбу соҳадаги халқаро тажриба

хақида маълумот бериш, соҳадаги миллий ва халқаро қонунчиликни ўзаро қиёсий-ҳуқуқий ўрганишга қўмаклашиш модулнинг мақсади ва вазифалари ҳисобланади.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Юридик хизмат” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- юридик хизматнинг хусусиятларини тўғри англаш, жамиятда бўлаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тўғри баҳолаш ва қонунчилик билан боғлай олиш, ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини;

- дарс машғулотида фанни ўқитиш учун керакли педагогик методология ва методлардан хабардор бўлиши ва уларни дарс жараёнига тўғри қўллаш олишни;

- талабаларга юридик маълумотларни тўғри етказиш ва дарс жараёнига талабаларни қизиқтириш усулларини, модул доирасида талаба билимини тўғри ҳамда объектив баҳолашни **билиши** керак.

Тингловчи:

- юридик хизматга оид амалий мисолларни топиш, уларни тўғри ҳал қила олиш;

- мисолларни дарс машғулотида жорий этиш, интернет ресурслар орқали фанга оид материалларни топа олиш;

- фанга оид амалий материаллар ва ҳужжатларни йиға олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- соҳадаги муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш;

- соҳадаги муаммоли ҳолатлардан дарс жараёнида фойдаланиш, уларга ечим бериш;

- соҳани бошқа халқаро манбалар асосида ўрганиш ва қиёслаш, қиёсий хулосалардан дарс мобайнида фойдаланиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этиш;

- талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш;

- модулга нисбатан қизиқиш ва талабаларда мотивацияни шакллантира олиш;

- ўқув жараёнида таълим беришнинг модулли тизимини қўллаган ҳолда тизимли мушоҳада юритиш, вазиятни баҳолай билиш, оптимал қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш, шунингдек уларда юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларини бошқариш кўникмаларини шакллантириш **компетенцияларини** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Юридик хизмат” модули маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедия ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, муаммоли ҳолат яратиш, ақлий ҳужум, масофавий таълим технологиялари, тьюторлик методи ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Юридик хизмат” модули ўқув режадаги “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Оила ва бизнес ҳуқуқи” каби модуллар билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар соҳадаги муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Умумий ўқув юкламаси Соатлари			
		Жами	Аудитория ўқув юкламаси		
			Назарий	Амалий	Кўчма машғулот
1.	“Юридик хизмат” тушунчаси, мазмун-моҳияти, модулни ўқитиш методологиясининг бошқа юридик фанлардан фарқли жиҳатлари	4	2	2	
2.	Давлат ва нодавлат ташкилотлардаги юридик хизматнинг ўзаро фарқи. Халқаро ташкилотлар фаолиятида юридик хизматнинг аҳамияти	4	2	2	
3.	Юридик хизмат модулини ўқитишга тайёргарлик кўриш. Назарий саволлар тузиш, фанни ўқитишда ҳуқуқшунос педагоглар тажрибасидан фойдаланиш	4	2	2	
4.	Юридик хизмат модулини ўқитишда муаммоли ҳолатларни аниқлаш, муаммоли вазият (казус) асосида дарс машғулотларини олиб бориш	2			2
5.	Юридик хизмат соҳасини ҳуқуқий тартибга солишдаги муаммолар – назария ва амалиёт уйғунлигида	4	2	2	
6.	Юридик хизмат соҳасидаги қонунчилик: халқаро ва миллий тажрибани солиштириш ва талабага етказишда электрон ресурслардан фойдаланиш	4	2		2
7.	Юридик хизмат соҳасига оид қонунчиликдаги сўнгги ислохотлар ва илмий изланишлардан дарс машғулотларида фойдаланиш методикаси	4		2	2
Жами		26	10	10	6

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати белгиланган тартибда амалга оширилади.

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. “Юридик хизмат” тушунчаси, мазмун-моҳияти, модулни ўқитиш методологиясининг бошқа юридик фанлардан фаркли жиҳатлари

Юридик хизматнинг мазмуни, юридик соҳадаги тутган ўрни. Юридик хизматнинг предмети, функциялари. Юридик хизмат фанидан дарс машғулоти учун манбалар излаш. Маъруза машғулотида тайёргарлик кўриш. Семинар машғулотида тайёргарлик кўриш. Такдимот тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

2-мавзу. Давлат ва нодавлат ташкилотлардаги юридик хизматнинг ўзаро фарқи. Халқаро ташкилотлар фаолиятида юридик хизматнинг аҳамияти

Давлат ва нодавлат ташкилотлардаги юридик хизматнинг ўзаро фаркли жиҳатлари. Давлат бошқарув органларидаги юридик хизмат кўрсатувчи тузилмалар. Тадбиркорлик субъектларига юридик хизмат кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқий мақоми. Халқаро ташкилотларфаолиятида юридик хизматнинг аҳамияти, фаолиятнинг ўзига хосликлари, статистик маълумотлар.

3-мавзу. Юридик хизмат модулини ўқитишга тайёргарлик кўриш. Назарий саволлар тузиш, фанни ўқитишда ҳуқуқшунос педагоглар тажрибасидан фойдаланиш

Юридик хизмат фанини ўқитишда соҳада илмий ютуқларга эга олимлар ва педагоглар тажрибасини ўрганиш методикаси. Амалиётдаги юридик хизмат кўрсатувчи ҳуқуқшунослар фаолиятини таҳлил қилиш. Фанидан доирасида муаммоли саволлар тузиш. Муаммоли савол тузишда амалиёт материалларидан фойдаланиш. Саволлар тузиш учун тегишли манбалардан фойдаланиш методикаси.

4-мавзу. Юридик хизмат модулини ўқитишда муаммоли ҳолатларни аниқлаш, муаммоли вазият (казус) асосида дарс машғулотларини олиб бориш

Муаммоли вазиятни оғзаки муҳокама қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Муаммоли вазиятни ёзма муҳокама қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Муаммоли вазиятни муҳокама қилишда талаба позициясини баҳолаш. Муаммоли вазият асосида талабанинг билимини аниқлаш.

5-мавзу. Юридик хизмат соҳасини ҳуқуқий тартибга солишдаги муаммолар – назария ва амалиёт уйғунлигида

Даср машғулотларига тайёргарлик кўришда амалиётдан материаллар йиғиш, ҳужжатлар жилдини тайёрлаш методикаси. Даср машғулотларига амалиётдан мутахассис жалб қилиш, дарснинг эффективлигини баҳолаш, талабани амалиёт билан таништириш орқали билимини ошириш.

6-мавзу: Юридик хизмат соҳасидаги қонунчилик: халқаро ва миллий тажрибани солиштириш ва талабага етказишда электрон ресурслардан фойдаланиш

Юридик хизмат модулини ўқитишда миллий ва халқаро тажрибани ўзаро таққослаш. Аналитик хулоса тайёрлаш ва унга талабаларни қизиқтириш усуллари. Хулосаларни талабага етказишда презентация видеоролик каби электрон ресурслардан фойдаланиш.

7-мавзу. Юридик хизмат соҳасига оид қонунчиликдаги сўнгги ислохотлар ва илмий изланишлардан даср машғулотларида фойдаланиш методикаси

Юридик хизмат соҳасига оид қонунчиликдаги сўнгги ислохотлар ва илмий изланишлардан хабардор бўлиб бориш. Бу борадаги фойдали манбалар ва электрон ресурслар ҳақида маълумот йиғиш ва улардан даср машғулотларида фойдаланиш методикаси. Соҳага оид илмий изланиш олиб боришнинг ўзига хос жиҳатлари. Соҳага оид илмий хулосалар билан танишиш, мақола илмий хулосалар ёзишда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар.

КЎЧМА МАШЎУЛОТ МАЗМУНИ

Юридик хизмат модули даср машғулотларида амалий материаллардан фойдаланиш, амалиётдан мутахассис жалб қилиш, мутахассисни даср машғулотлари билан таништириш ва дарснинг эффективлигини ошириш масалалари кўчма машғулотнинг мазмунини ташкил этади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Қуйидаги шаклларда таълим бериш кўзда тутилган:

- бинар маъруза, дебатлар, вебинар;;
- On-line маъруза;
- тренинг, видеотренинг;
- мини-маърузалар ва суҳбатлар;
- ақлий ҳужум ва бумеранг, танишув усулларида;
- дискуссия ва диспутлар (даллил ва аргументлар асосида фикрини асослашга ўрганади, тинглаш ва эшитишга мослашади);
- кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда критик фикрлаш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Рахбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
3. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <http://www.lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. <http://www.lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. <http://www.lex.uz>
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси биринчи қисмига Шарҳ. <http://www.osce.org>
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига Шарҳ. <http://www.osce.org>
6. “Ўзбекистон Республикаси Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни. <http://www.lex.uz>

7. Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни. <http://www.lex.uz>

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2733-сон қарори. 19.01.2017 й.

III. Махсус адабиётлар

1. С.В.Алексеев. Правовое регулирование предпринимательской деятельности. Электронный ресурс: Учеб.пособие для вузов // С.В.Алексеев. - М.: ЮНИТИ- ДАНА : Закон и право, 2016. - 502 с.

2. Юрическая служба в государственных органах и на предприятиях: учеб.пособие для студентов вузов, обучающихся по специальностям «Юриспруденция», «Государственное и муниципальное управление» //Н. Д. Эриашвили и др. - Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. - 287 с. <http://znanium.com/catalog.php>.

3. С.М.Айзин. Юрическая служба на предприятии: настол. кн.юрисконсульта // С.М.Айзин, М.Ю.Тихомиров. - Москва: Юринформцентр, 2017.-559 с.

4. Юрическая служба в государственных органах и на предприятиях: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальностям. «Юриспруденция», «Государственное и муниципальное управление» - Москва. 2018.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.senat.uz>
3. <http://www.gov.uz>
4. <http://www.my.gov.uz>
5. Журнал «Корпоративный юрист». [http:// www.clj.ru](http://www.clj.ru)
6. Журнал «Юрист предприятия». www.law.ru
7. Журнал «Юрист компании». [http:// www.lawyercom.ru](http://www.lawyercom.ru)
8. Журнал «Юрический консультант». [http:// www.jk.ru/jur.htm](http://www.jk.ru/jur.htm)
9. Журнал «Юрист ВУЗа». <http://www.elibrary.ru>

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Материални оғзаки баён қилиш методи

Тингловчилар томонидан билимларни ўзлаштириш ўқитувчининг тушунтиришини фаол қабул қилиш ва пухта ўйлаш эвазига амалга оширилади. Билимларни узатиш воситаси сифатида ўқитувчи нутқи муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда ўқитувчининг тингловчилар фаолиятига раҳбарлиги мавзунини қўйиш, режани эълон қилиш, тингловчилар фаолиятини бошқаришдан иборат бўлади.

Сухбат методи

Тингловчилар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёни: улар эътиборига ҳавола этилаётган саволнинг моҳиятини англаш, мавжуд билимлар ва тажрибани сафарбар қилиш, саволга оид объектларни ўзаро таққослаш, пухта ўйлаш ва саволларга тўғри жавоб тайёрлашдан иборат. Ўқитувчининг раҳбарлиги: мавзунини қўйиш, саволларни ифодалаш, берилган жавобларни тузатиш, тўлдириш ва умумлаштириш каби ҳолатларда намоён бўлади. Сухбат методи ёрдамида билимларни ўзлаштиришда тингловчилар мавжуд билимлари ва тажрибаларига таянадилар.

“SWOT-таҳлил” методи


Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар



“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилди ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратди. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.



“Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ходиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).



“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“ФСМУ” методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур

технологиядан маъруза машғулотларида, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдирот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни

ёритилган инпут-матнни таркатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёиш этилади;

- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1- матн	2- матн	3- матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қодалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган таркатмалар берилади (индивидуал ёки

гуруҳли тартибда);

- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;

- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги “якка баҳо” колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини “гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни “тўғри жавоб” бўлимига ёзиш сўралади.

4. “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса “0”, мос келса “1”

балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг “якка хато” бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда “тўғри жавоб” ва “гуруҳ баҳоси” ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар “гуруҳ хатоси” бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.


7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

“Мунозара” методи

Таълим тизимида тизимларда нутқ ўқитиш, ўз фикрини мустақил ва асосли баён қилиб, хулосалар чиқариш воситаси сифатида ғоя муҳим ўрин эгаллайди. Бу бажариладиган ишнинг бир тури бўлиб, ўзаро тортишиш жараёнини келтириб чиқаради ва унга аниқлик киритади. Тингловчилар томонидан “ўз сўзи” ўзига хос услуб асосида изчил, савол фикр юритилади.

Мунозара вақтида тингловчилар ўзларига ишонган ҳолда саволларни мунозара қилишади. Мунозара учун шундай шароит яратиши керакки, унда тингловчилар ўз фикрларини ишонч билан очик айтиш, камчиликлари учун айбга қўймасликларига ишонган ҳолда баён этишлари лозим.

Масалан: Маъмурий ихтиёрийлик маъмурий ҳужжат қабул қилишга қандай таъсирқилади?



“Пинборд” методи

Пинборд инглизчадан: pin – мустаҳкамлаш, board –доска маъносини билдиради. Бу усулда мунозара ёки суҳбат амалий усул би-лан боғланиб кетади. Метод мақсади ривожлантирувчи ва тарбияловчи вази-фасини бажариш. Бунда тингловчиларда мулоқот юритиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, ўз фикрини нафақат оғзаки, балки ёзма ра-вишда баён этиш маҳорати, мушоҳада қилиш ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

“Портфолио” методи

“Портфолио” – (итал. portfolio – портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, тингловчи ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текши-риш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг куйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гуруҳий
Таълимий фаолият	Тингловчилар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Тингловчилар гуруҳи, тинглов-чилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

Муаммоли метод

Муаммоли методнинг моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва ечишдан иборат бўлиб, унинг асосида дидактик зиддиятлар ётади. Зиддиятларни бартараф этиш нафақат илмий билиш йўли шу билан бирга ўқув йўли ҳамдир.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1. “Юридик хизмат” тушунчаси, мазмун-моҳияти, модулни ўқитиш методологиясининг бошқа юридик фанлардан фарқли жиҳатлари

Режа:

1. Юридик хизматнинг мазмуни, юридик соҳадаги тутган ўрни. Юридик хизматнинг предмети, функциялари.

2. Юридик хизмат фанидан дарс машғулоти учун манбалар излаш. Маъруза машғулотиغا тайёргарлик кўриш. Семинар машғулотиغا тайёргарлик кўриш.

3. Модулни ўқитиш методологиясининг бошқа юридик фанлардан фарқли жиҳатлари.

Таянч иборалар: Юридик хизмат, юридик хизмат функциялари, давлат ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, методология, методлар.

Дарс машғулотларини қўйидаги маълумотлар асосида ўтиши тавсия этилади. Педагогик технология нуқтаи назардан қўйидагилар қамраб олади:

Дарс машғулоти учун манбалар излашда таяниши лозим бўлган маълумотлар;

Маъруза машғулотиغا тайёргарлик кўришда таяниши лозим бўлган материаллар.

Юридик хизмат фани мустақил ҳуқуқ соҳаси бўлмай, балки амалий фанлар қаторига киради ва ўзида деярли барча ҳуқуқ соҳаларини қўллаш услубларини мужассам-лаштиради. Мазкур фан “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Меҳнат ҳуқуқи”, “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи”, “Хўжалик процессуал ҳуқуқи” ва бошқа фанлардан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат фани хўжалик шартномаларини тузиш, ижро қилиш, ўзгартириш ва бекор қилишда юридик хизмат ходимларининг иштирокини, бу йўналишдаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ташкил қилиш тартибини ўрганади.

Маъмурий ҳуқуқ фани бошқарув соҳасидаги бири иккинчисига бўйсунувчи органлар ўртасидаги бир-бирига бўйсунмайдиган давлат бошқаруви органлари ўртасидаги; давлат бошқаруви ва уларга бўйсунадиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги давлат бошқаруви органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги давлат бошқаруви органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни ўрганади. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат фани эса, давлат бошқарув органининг мустақил таркибий бўлинмаси бўлган юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомини, унинг бошқарув органида қонунчиликни таъминлашдаги роли ва бошқа соҳалардаги фаолятини ўрганади.

Ўзбекистон Республикасида Юридик хизмат фанининг Меҳнат ҳуқуқи фанидан фарқи шундаки, у меҳнат муносабатларини эмас, балки бошқарув органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолятида меҳнат қонунчилигини риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда юридик хизмат ходимлари қандай иштирок этишини ўрганади.

Иқтисодий процессуал ҳуқуқи фанида хўжалик судлов ишларини юритишдаги муносабатлар, шу жумладан хўжалик судларига тақдим қилинадиган даъво аризалари, суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризалар, апелляция, кассация шикоятлари мазмуни ўрганилса, Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат фанида мазкур даъво аризалар ва шикоятларни расмийлаштириш ишларини ташкил қилиш, хўжалик судларига тақдим этиш ва унда юридик хизмат ходимларининг иштироки ўрганилади.

Демак, Ўзбекистон Республикасида Юридик хизмат фанининг предметини Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши, юридик хизмат тизими ва тузилиши, унинг ҳуқуқий мақоми, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолятининг асосий йўналишлари, юридик хизматга раҳбарлик қилишни ўрганиш ташкил қилади.

• *Юридик хизмат нима?*

Юридик хизмат — давлат органи ва ташкилоти фаолятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий тузилма ёхуд лавозим.

Юридик хизмат **юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро** шаклида ташкил қилиниши ёхуд битта штатдан иборат бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ёки юрисконсултдан иборат бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталирининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлар, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Эътибор қаратинг!

Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари фаолиятининг **асосий йўналишлари** қуйидагилардан иборат:

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинадиган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишда иштирок этиш;

Юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларини бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш соҳасида:

а) давлат органи ва ташкилотида, шунингдек тегишли тузилмаларда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини баргараф этиш юзасидан таклифлар киритади, ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

б) давлат органи ва ташкилоти раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиши ҳамда улар бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан давлат органи ва ташкилотининг бошқа таркибий тузилмаларидан (ҳодимларидан) кейин виза қўйилади;

в) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари юзасидан ҳулосалар беради;

г) мустақил равишда ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда давлат органи ва ташкилотининг буйруқлари, фармойишлари, шартномалари ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

д) давлат органи ва ташкилотида, шунингдек тегишли тузилмаларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганади, таҳлил қилади ва умумлаштиради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва раҳбариятга киритади;

е) давлат органи ва ташкилотининг бошқа тузилмалари билан биргаликда давлат органи, тегишли тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликнинг бузилиши кўрсатилган аризалар, таклифлар ва шикоятларни кўриб чиқишда иштирок этади;

ж) давлат органи ва ташкилотида бошқарув тизимини такомиллаштириш, давлат органи тизимидаги қирадиган тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

з) давлат органи ва ташкилотида меҳнат ҳақидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси,

жамоа битими ва бошқаларни) ишлаб чиқишда иштирок этади, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ва ҳуқуқий хулоса беради;

и) давлат органи ва ташкилоти раҳбариятига давлат органи ва ташкилоти фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш аҳволи юзасидан ҳисобот тақдим этади;

к) давлат органи ва ташкилоти ходимларининг касаба уюшмалари ва бошқа вакиллик органларига ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатади;

• ***Юридик хизматнинг манбаи сифатида қайси қонун ҳужжатларини таъкидлаш мумкин?***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2733-сонли қарори билан тасдиқланган Низомни ушбу модулнинг асосий манбаларидан бири сифатида таъкидлаш мумкин.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикасида Юридик хизмат фанининг предметини нима ташкил этади?

2. Ўзбекистон Республикасида Юридик хизмат фанининг аҳамияти нималарда намоён бўлади?

3. Фанни ўрганишда қандай услублардан фойдаланилади?

4. Ўзбекистон Республикасида Юридик хизмат фанини ўрганишнинг асосий мақсади ва аҳамияти нималарда кўринади?

5. Юридик хизматнинг ривожланишида тегишли социологик кузатувлар қандай ўрин эгаллайди?

2. Давлат ва нодавлат ташкилотлардаги юридик хизматнинг ўзаро фарқи. Халқаро ташкилотлар фаолиятида юридик хизматнинг аҳамияти

Режа:

1. Давлат ва нодавлат ташкилотлардаги юридик хизматнинг ўзаро фарқли жиҳатлари.
2. Давлат бошқарув органларидаги юридик хизмат кўрсатувчи тузилмалар.
3. Тадбиркорлик субъектларига юридик хизмат кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқий мақоми.
4. Халқаро ташкилотлар фаолиятида юридик хизматнинг аҳамияти, фаолиятнинг ўзига хосликлари, статистик маълумотлар.

Таянч иборалар: давлат ташкилотлари, юридик хизмат кўрсатувчи тузилмалар, нодавлат ташкилотлар, халқаро ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар.

Дарс машғулотларини қуйидаги маълумотлар асосида ўтиши тавсия этилади. Педагогик технология нуқтаи назардан қуйидагилар қамраб олади:

Дарс машғулотлари учун манбалар излашда таяниши лозим бўлган маълумотлар;

Маъруза машғулотига тайёргарлик кўришда таяниши лозим бўлган материаллар;

Тақдимот тайёрлашда таяниши лозим бўлган материаллар.

Ёдда тутинг!

Давлат бошқаруви органлари каторига вазирликларни, давлат кўмиталарини, агентликларни, инспекциялар, комиссиялар ва марказлар ҳамда ҳокимликлар тааллуқлидир. Юқорида санаб ўтилган органларнинг барчаси давлатнинг ижро ҳокимиятида фаолият юритувчи бошқарув органларидир. Аммо буларнинг каторига ҳақли равишда миллий ҳуқуқ тизими ва маҳаллий шароитларни эътиборга олган ҳолда яна бир бошқарув органлари қўшилиши лозимлигини таъкидламоқчимиз. Булар – хўжалик бошқаруви органларидир.

Давлат бошқаруви органлари асосан идоравий фаолият тури бўлиб, уларнинг ходимларидан, яъни давлат хизматчиларидан асосан юксак интеллектуал салоҳиятни, оддий қилиб таъкидлаганда ҳужжатлар билан ишлаш кўникмасини талаб қилувчи фаолият туридир. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг умумийлиги эса уларнинг давлат ҳокимияти органлари (Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси) томонидан ташкил этилишидир.

Ёдда тутинг!

Хўжалик бошқаруви органлари ўз фаолиятида давлат иқтисодиётини юксалтиришга, экспорт салоҳиятини оширишга, шунингдек иқтисодиётни диверсификация қилишни кўзлаган, давлат маблағлари асосида ва маълум бир мулкчилик шакли кўринишида ташкил этилган бошқарув органларидир.

Халқаро ташкилотлар — давлатларнинг ёки ҳукумат қарамоғида бўлмаган миллий жамият (ассоциация) ларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, фантехника, маданият ва ш. к. соҳаларда умумий мақсадларга эришиш учун тузилган уюшмаси; давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг энг муҳим шаклларида бири.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ҳуқуқий ишларни такомиллаштириш мустақил давлатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш вазифаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бу вазифани амалга оширишда давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати муҳим рол ўйнайди.

Юридик хизмат халқ хўжалигининг барча тармоқларида, яъни ишлаб чиқариш ва хўжаликни бошқаришнинг ҳамма бўғинларида, вазирлик, идора, уюшмаларда, корхона, муассаса ва ташкилотларда, шунингдек

хокимликлар, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органларида мавжуд. Бироқ, давлат ҳокимиятининг олий органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятидаги ҳуқуқий ишлар хусусиятлари, ҳажми ва йўналишлари бир-бирдан муайян даражада фарқ қилади. Шу сабабли, турли давлат органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматифаолиятининг мазмун-моҳиятини аниқлаш учун ушбу масалага тизимли ёндашиш талаб этилади. Айнан тизимлилик фан предметини ўрганишнинг усулларида бири бўлиб ҳисобланади.

Юридик хизмат тузилиши, ҳуқуқий мақоми ва фаолияти асосий йўнахшларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тизимдан иборат:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг юридик хизмати;
республика ва маҳаллий давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати;

вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг юридик хизмати;
хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар) юридик хизмати.

Ислоҳотлар кўп қиррали ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, унда мукамал қонунчиликни яратиш, унинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, аҳоли ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш муҳим йўналишлар ҳисобланади. Бу жараёнда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур органлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати — норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қабул қилиш жараёнидан бошлаб, то уларнинг ижросини таъминлашгача; хўжалик шартнома-ларини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш ва бажариш; мулкни сақлашни ҳуқуқий воситалар билан таъминлаш; меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш; тегишли органлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судларда ва бошқа ташкилотларда ҳимоя қилиш; ҳуқуқий тарбия ишларида фаол иштирок этади.

Шунинг учун ҳам юридик хизмат фаолиятини ўрганиш ва бу соҳа учун кадрлар тайёрлаш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, юридик хизмат давлат ва хўжалик

бошқарувидаги ҳамда иқтисодиётдаги ҳуқуқий ишларнинг ташкилотчиси ва асосий ижрочисидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-боби “Жамиятнинг иқтисодий негизлари” деб номланади. Мазкур бобнинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқийлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши ўз ифодасини топган.

Конституциянинг 54-моддасида эса, мулкдор мулкига ўз хоҳиши-ча эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши белгилаб қўйилган. Мазкур қоидалар бевосита хўжалик юритувчи субъектларга тааллуқлидир. Хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати эса юридик хизмат тизимининг таркибига киради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолияти асосан шартномаларга асосланганлиги туфайли уларнинг юридик хизмати фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири шартнома ҳамда талабнома-даъво ишларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашдан иборат.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектларга юридик хизмат фақатгина уларнинг юридик бўлимлари томонидан эмас, балки айрим давлат органлари, адвокатура ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ҳам кўрсатилади. Айнан фуқароларга ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатадиган давлат орган-ларидан бири бўлмиш прокуратуранинг ҳам ҳуқуқий мақоми бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118, 121-моддаларида ўз ифодасини топган.

Назорат саволлари:

1. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг юридик хизмати қандай ўзига хос хусусиятларга эга?
2. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати қандай ташкил этилган?
3. Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг юридик хизмати қандай ташкил этилган?
4. Хўжалик юритувчи субъектларда юридик хизмати фаолиятини ташкил этишнинг муҳим жиҳатлари нималардан иборат?

5. Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг вазифалари.
6. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизматининг фаолияти.
7. Хўжалик бошқаруви органлари юридик хизматининг ҳуқуқий мақоми қандай?
8. Халқаро ташкилотларнинг юридик хизматининг ўзига хосликлари нималардан иборат?

3. Юридик хизмат модулини ўқитишга тайёргарлик кўриш. Назарий саволлар тузиш, фанни ўқитишда ҳуқуқшунос педагоглар тажрибасидан фойдаланиш

Режа:

1. Юридик хизмат фанини ўқитишда соҳада илмий ютуқларга эга олимлар ва педагоглар тажрибасини ўрганиш методикаси.
2. Фан доирасида муаммоли саволлар тузиш.
3. Муаммоли савол тузишда амалиёт материалларидан фойдаланиш.
4. Саволлар тузиш учун тегишли манбалардан фойдаланиш методикаси.

Таянч иборалар: педагогик технологиялар, методика, назарий саволлар.

Дарс машғулотларини қўйидаги маълумотлар асосида ўтиши тавсия этилади. Педагогик технология нуқтаи назардан қўйидагилар қамраб олади:

Педагогик технологиялар ҳақида қисқача маълумотлар бериш ва уларни модулни ўқитиш жараёнига татбиқ этиш;


Муаммоли вазиятни оғзаки муҳокама қилишнинг ўзига хос хусусиятлари;

Саволлар тузиш учун тегишли манбалардан фойдаланиш методикаси.

Ҳозирги кунда педагогик технология ҳақидаги аниқ тушунча ва тасавурлар юр бўлсада, уни хусусий методикалар билан тенглаштириш ҳоллари учрайди. Аслида эса улар орасида жиддий фарқлар мавжуд бўлиб, қўйида улар ҳақида қисқача баён қилинади.

Ёдда тутинг!!!

Педагогик технология – ўқувчини мустақил ўқишга, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир.



Методика – ўқитувчининг билими, кўникмаси маҳорати, шахсий сифатлари, темпераментига боғлиқ бўлиб, маълум шахс ўқитувчи учун қулай бўлган ўқитиш усуллари ва йўллари мажмуадир. У алоҳида методикаларга ажратилади. Педагогика фани маълум ўқув фанларини ўқитиш қонуниятларини тадқиқ қилади. Масалан, тиллар методикаси, арифметика методикаси ва шу кабилар. Методиканинг педагогик технологиядан фарқини тушуниш ва амалда ҳар иккисидан унумли фойдалана билиш талаб этилади. Улар орасидаги фарқлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

т/р	Асосий тушунчалар	Педагогик технология	Методика
1	Таърифлар	Педагогик технология – инсонга олдиндан белгиланган мақсад бўйича таълимий ва тарбиявий таъсир ўтказиш фаолиятидан иборат	Методика – маълум ўқув фанини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишлар қонуниятларини тадқиқ қилади
2	Мақсад	Комил инсонни шакллантиш	Алоҳида ўқув фанларини ўқитиш ва тарбиявий ишларнинг сифатли бўлишини таъминлаш
3	Қўллаш миқёси	Барча таълим-тарбия жараёнида	Хусусий фанларни ўқитишда ҳамда тарбиявий ишларда
4	Воситалар	Барча таълимий ва тарбиявий воситалар, хусусий методикалар	Алоҳида ўқув фанларини ўқитишда ҳамда тарбиявий ишларда қўлланиладиган воситалар
5	Педагогик жараён	Таълим-тарбия технологияси асосида, таълим менежменти ва маркетинг асосида, таълим-тарбия соҳасидаги илг'ор тажрибаларни умумлаштирувчи лойиҳалар асосида ривожланиб боради.	Таълим-тарбия методикаси асосида ижодкор ўқитувчиларнинг илг'ор тажрибаларига, таяниб ривожланади. Хусусий тажрибалар асосида бойитиб борилади. Педагогик технологиянинг таркибий қисми ҳисобланади ҳар бир педагогнинг натижаси ҳар -хил бўлади.
6	Натижа кафолати	Олдиндан белгиланган мақсадга эришиш кафолати бор.	Олдиндан белгиланган мақсадга ҳар бир ўқитувчи ўз имкониятларига мувофиқ турли даражада эришади. Шу сабабли талаб даражасидаги натижа кафолатланмайди. Асосан ижодкор ўқитувчиларгина яхши натижаларга эришадилар.
7	Келиб чиқиши	Хусусий методикаларнинг ривожланиши натижасида келиб чиққан.	Таълим тарбиянинг турли хусусий масалаларини ҳал қилиш зарурати натижасида келиб чиққан

Метод – бирор ҳаракатни амалга ошириш йўли, усули ёки кўринишидан иборат. Педагогик технология ўқув жараёни (яъни ўқитувчининг ўқувчининг фаолияти билан), унинг таркиби, воситалари, усуллари ва шакллари билан энг кўп даражада боғланган. Педтехнология стандартларни тўла ўзлаштиришни, сифат даражасини кафолатидир. Педагогик технология ўқув жараёнининг шундай лойиҳасини у бир киши ёки бирор ижодий гуруҳ томонидан ишлаб чиқилади, ундан барча ўқитувчилар фойдалана оладилар. Ўқувчи ўқитилмайди – уни мустақил мутолаа қилишга ўргатилади. Ўқувчига билимлар тайёр ҳолда берилмайди,

унга билимларни манбаалардан мустақил ола билишга, фикрлай олиш, мустақил позицияда тура олишга ўргатилади. Барча ўқувчиларни ўз қобилиятлари эҳтиёжлари даражасида албатта ўзлаштириб олишлари кафолатланади.

Юридик хизмат модулини ўқитишга тайёргарлик кўриш, интерфаол шаклда дарс жараёнини лойиҳалаш

Дарс жараёнини лойиҳалашда ўқитиш методларини тўғри танлаш, яъни методларни дарснинг вазифалари ва мазмунига мослиги, ўқитувчи ва тингловчиларнинг имкониятларига мувофиқ бўлиши талаб этилади. Ўқитувчи дарснинг лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидаги топшириқларни кетмакет бир бутунликда амалга ошириши керак.

1-босқич: Ўқитувчи дастур, дарслик, методик қўлланма ва синф ўқувчиларининг умумий тавсифи билан танишиб чиқиши лозим.

2-босқич: Дарснинг асосий вазифалари мажмуасини: ўқитиш, таълимий мақсад, тарбиявий мақсад ва ривожлантирувчи мақсадларни ва вазифаларини белгилаш.

3-босқич: Дарснинг асосий босқичларини тўғри, аниқ ва изчилликда жойлаштириш.

4-босқич: Дарснинг ҳар бир босқичи мазмунидаги асосий ўринли ажратиб олиш.

5-босқич: Дарснинг ҳар бир қисми учун ўқитиш методларини, воситаларини, технологияларни танлаш.

6-босқич: Дарснинг ҳар бир қисми учун ўқитишнинг етакчи, кичик гуруҳ ва индивидуал шаклини танлаб олиш.

7-босқич: Бўш ўзлаштирувчи ва тайёргарлиги кучли бўлган ўқувчилар учун тафовутланган машқ ва вазифаларни танлаш.

8-босқич: Тегишли тингловчилар учун вақт меъёрларига мувофиқ уй вазифасининг мақбул ҳажмини танлаш.

9-босқич: Фанга алоқадор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини шакллантириш;

10-босқич: Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг тегишли нормаларини норасмий шарҳлаш ва тингловчиларга етказишнинг қизиқарли ва қулай методларини танлаш.

Ёдда тутинг!!!

Юридик хизмат модулини ўқитишда кичик гуруҳлар ишини ташкил этиш учун ўқитувчи қуйидагиларни яхши тушуниб олиши лозим:

1. Тингловчининг индивидуал ҳаракатлари билан жамоа бўлиб ишлагандаги ҳаракатлари нимаси билан фарқланади?
2. Кичик гуруҳларнинг биргаликдаги ишидан қандай натижаларни кутиш мумкин?
3. Гуруҳнинг ҳамфикрлилар жамоасига айланиши учун нималар қилиш керак?
4. Кичик гуруҳ ва унинг таркибига кирувчи тингловчининг ишини қандай баҳолаш керак?

Гуруҳлар билан ишлаш бўйича айрим маслаҳатлар:

1. Ҳамкорлик гуруҳлари кам сонли бўлиши керак. Гуруҳ қанчалик кичик бўлса шунчалик ҳар бир тингловчи масъулиятлироқ бўлади.
2. Ҳар бир гуруҳ аъзосининг билимини индивидуал тартибда текшириш лозим.
3. Даврий тартибда танлаб (оралатиб) оғзаки сўровлар ўтказиш фойдали, бундай пайтда тингловчилар гуруҳ аъзолари ёки бутун синф олдида гуруҳ иши ҳақида гапириб берадилар.
4. Барча гуруҳлар ишини кузатиб бориш ва гуруҳ аъзосининг умумий меҳнатда иштирок этган ҳамма ҳолатларини қайд этиш керак.
5. Ҳар бир гуруҳда «назоратчи» бўлиши керак, у ҳар бир гуруҳдошдан нима учун гуруҳ берилган саволга бошқача эмас, айнан шундай жавоб берганлигини тушунтириб беришни сўраши мумкин.

Муаммоли савол тузишда амалиёт материалларидан фойдаланиш. Саволлар тузиш учун тегишли манбалардан фойдаланиш методикаси

Ўқитувчи махсус юридик фанларни ўқитишга тайёргарлик кўрар экан аввало, ушбу соҳадаги амалиёт билан яқиндан танишиб чиқиши, амалиётдаги мисоллардар бохабар бўлиши ва уларни дарс жараёнига татбиқ этиши лозим. Дарс жараёнига керакли назарий саволлар тузишда амалиётдан йиғилган материаллар ва ҳужжатларни асосий манба сифатида танлаш лозим.

Масалан: Давлатнинг олий органлари Олий Мажлис палаталаридаги юридик хизмат ҳақида маълумот йиғилаётганда педагог албатта Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг девони низомлари, ушбу органларда юридик хизмат фаолиятини тартибга солувчи кенгаш қарорлари ҳақида маълумотга эга бўлиши керак.

Назорат саволлари:

1. Педагогик технология ва методиканинг ўзаро фарқларини ёритиб беринг.
2. Юридик хизмат модулидаги бирор мавзунини танлаган ҳолда дарс машғулоти лойиҳасини тузиб чиқинг.

4. Юридик хизмат соҳасини ҳуқуқий тартибга солишдаги муаммолар – назария ва амалиёт уйғунлигида

Режа:

1. Юридик хизмат соҳасини ҳуқуқий тартибга солишдаги муаммолар
2. Дарс машғулотларига амалиётдан мутахассис жалб қилиш, талабани амалиёт билан таништириш орқали билимини ошириш.
3. Дарснинг эффективлигини баҳолаш.

Таянч иборалар: юридик хизмат, ҳуқуқий тартибга солиш, юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро, бро, юрист, юристконсульт.

Дарс машғулотларини қуйидаги маълумотлар асосида ўтиши тавсия этилади. Педагогик технология нуқтаи назардан қуйидагилар қамраб олади:

“IRAC” усули асосида дарс ўтиши;

Муаммоли вазиятни оғзаки муҳокама қилишнинг ўзига хос хусусиятлари;

Муаммоли вазиятни муҳокама қилишнинг асосий мезонлари.



Юридик хизмат деганда – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат корхона, муассаса ва ташкилотлари, хўжалик бошқаруви

органлари, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотларда ҳуқуқий ишларни амалга оширилишини таъминлайдиган, бевосита уларнинг раҳбарига бўйсунадиган, ташкилий жиҳатдан мустақил бўлган таркибий тузилма (**юримдик департамент, юримдик бошқарма, юримдик бўлим, юримдик бюро**) ёки лавозим (**бош юримiskonсулт, етакчи юримiskonсулт, катта юримiskonсулт ёки юримiskonсулт**) тушунилади.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар шароитида юримдик хизмат тизимини такомиллаштириш ва унинг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутди. Айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ҳуқуқий ишларнинг самарадорлигини ошириш мустақил давлатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш вазифаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бу муҳим вазифани амалга оширишда бошқа органлар билан бир каторда, юримдик хизматнинг аҳамияти бекиёсдир.

Мамлакатимизда давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда фаолият кўрсатаётган юримдик хизматни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ: а) давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг юримдик хизмати; б) давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг юримдик хизмати; в) вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг юримдик хизмати; г) хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар) юримдик хизмати.

Давлат органлари ва ташкилотларида юримдик хизмат қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган, бевосита давлат органи ва ташкилоти раҳбарига бўйсунадиган, мустақил таркибий тузилма ёхуд лавозим ҳисобланади. Юримдик хизматнинг мавжуд штат бирликларини қисқартириш ва уларни давлат органи ва ташкилотининг бошқа таркибий тузилмаларига қайта тақсимлашга йўл қўйилмайди. Демак, давлат органлари ва ташкилотлари юримдик хизмати давлат томонидан қафолатланган иммунитетга эга.

Аммо хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари юримдик хизмати бундай иммунитетга эга эмас, кўпчилик ҳолатларда юримдик хизмат бошқа тузилманинг таркибида ташкил қилинади, раҳбар ўринбосари ёки таркибий тузилма бошлиғига бўйсунди. Бу эса уларнинг самарали фаолият юритишига, айниқса, қонунийликни

таъминлашга қаратилган фаолиятини тўлиқ амалга оширишга имконият бермайди.

Шунинг учун хўжалик юритувчи субъектларда ҳам юридик хизматни бевосита раҳбарга ёки юқори бошқарув органига бўйсунадиган мустақил таркибий тузилма сифатида ташкил қилиш лозим. Хусусан, акциядорлик жамиятларида юридик хизматни ички аудит хизмати каби кузатув кенгашига бевосита бўйсундириш мақсадга мувофиқ.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишларига ҳозирги кунда қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ: а) давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашда юридик хизматнинг роли; б) давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида юридик хизматнинг иштироки; в) юридик хизмат томонидан соҳавий ва ички идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда юридик амалиёт бўйича маълумотнома ишларини олиб бориш.

Юридик хизматнинг давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашдаги иштироки – унинг энг муҳим фаолият йўналишидир, чунки юридик хизматнинг бошқа йўналишлардаги фаолиятида ҳам қонунийликни таъминлаш билвосита намоён бўлади.

Ёдда тутинг!!!

Юридик хизматнинг бу йўналишдаги фаолияти қуйидаги функцияларни:

- а) ташкилий;
- б) назорат;
- в) ҳуқуқий тарбия ишларини олиб бориш билан амалга оширилади.

Юридик хизматнинг соҳавий ва ички идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда юридик амалиёт бўйича маълумотнома ишлари ўз ичига қуйидагиларни:

- а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондини ташкил қилиш;
- б) таркибий бўлинмаларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матни билан таъминлаш;
- в) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни белгилаб бориш, бекор қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни фойдаланишдан чиқариш ва бу ҳақда таркибий бўлинмаларни хабардор қилиш;

г) суд амалиёти материалларини йиғиш кабиларни олади.

Юридик хизматнинг бу йўналишдаги фаолиятдан кўзланган мақсад: биринчидан, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқ субъектларига ўз вақтида етиб боришини таъминлаш; иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг нотўғри қўлланилишининг олдини олиш; учинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга ёхуд ўз кучини йўқотгунга қадар келиб чиққан муносабатларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг олдинги таҳрири қўлланилишини эътиборга олишдан иборат.

Мамлакатимизда иқтисодиётни бошқаришни янада эркинлаштириш, маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш, корпоратив бошқарув меъёр ва тамойилларини кенг жорий этиш, хўжалик бошқарув органлари фаолиятини ташкил қилиш самарадорлигини оширишда юридик хизмат муҳим ўрин тутади.

Шунинг учун ҳам, хўжалик бошқарув органларининг асосий вазифалари жумласига улар таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматига услубий ёрдам кўрсатиш вазифаси киритилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу, **биринчидан**, тегишли тармоқнинг барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда юридик хизмат фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади;

иккинчидан, тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд бўлган ўхшаш ҳуқуқий муаммоларни тезкорлик билан сифатли бартараф этишга имконият яратади;

учинчидан, тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмат ходимларига кўмаклашиши учун қонуний асос яратилади, ва ниҳоят хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмат ходимларининг малакасини ошириш сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир қилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўтган давр мобайнида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, айниқса, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларда амалга ошириладиган ҳуқуқий ишлар самарадорлигини ошириш ва улардаги юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларини аниқ белгилашни тақозо этмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларига қўйидагилар киради:

а) хўжалик шартномаларини тайёрлаш, тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича ишлардаги иштироки;

б) талабнома-даъво ишларини ташкил қилиш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли;

в) мулкни сақлаш бўйича ҳуқуқий таъминлаш ишларини ташкил қилиш;

г) меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги роли.

Юридик хизмат фаолиятини мазкур тўртта асосий йўналишга ажратишга сабаб, биринчидан, бу йўналишлар барча хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятига хослиги; иккинчидан, уларнинг бир-бирини такрорламаслиги, аксинча, бир-бирини тўлдириши, яъни комплекслиги, уйғунлиги ва изчиллиги; учинчидан, юридик хизматнинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган вазифа ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда тизимга молинганлигидир.

Хорижий давлатларда ва қисман мамлакатимизда чоп этилаётган юридик адабиётларда ҳуқуқий ишларни такомиллаштириш, айниқса тадбиркорлик субъектлари ва бошқарув органлари юридик хизмати фаолиятини илмий-назарий жиҳатдан ўрганишга эътибор берилмоқда. Бундан ташқари, унинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллашни такомиллаштириш заруратини инобатга олиб, илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш юридик фаннинг муҳим вазифасидир. Айниқса, унинг тизими ва ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳулоса, таклиф ва тавсияларни асослаб бериш зарурати пайдо бўлмоқда.

Юридик фанда янги йўналиш сифатида юридик хизмат фанини ривожлантириш истиқболли вазифадир. Шу сабабли, юридик хизматнинг долзарб муаммоларини тадқиқ қилиш зарурати мавжудлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Бундан ташқари, юридик хизматни ўқув-услубий жиҳатдан олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида ўрганишнинг йўлга қўйилганлиги ҳам бу ҳуқуқ соҳасини янада ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Юридик хизмат, унинг тизими ва фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг ривожланиши ва бу борадаги қонун ижодкорлигининг истиқболларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Юридик хизмат мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этишга қаратилган оммавий функцияни амалга оширади.

Ёдда тутинг!

Юридик хизмат деганда – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат корхона, муассаса ва ташкилотлари, хўжалик бошқаруви органлари, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотларда ҳуқуқий ишларни амалга оширилишини таъминлайдиган, бевосита уларнинг раҳбарига бўйсунадиган, ташкилий жиҳатдан мустақил бўлган таркибий тузилма (юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро) ёки лавозим (бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ёки юрисконсулт) тушунилади.

Шунинг учун ҳам юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Юридик хизмат тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Зеро, қонун билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари барча бўғинлари, хўжалик бошқарув органлари, барча хўжалик юритувчи субъектлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар юридик хизмати, хўжаликлараро юридик хизматларнинг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, юридик хизмат ходимларини лавозимларига тайинлаш ва озод қилиш тартиби, юридик хизматга раҳбарлик қилиш шакл ва услублари белгиланиши лозим.

Назорат саволлари:

1. Юридик хизмат, унинг тизими ва фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг ривожланиши ва бу борадаги қонун ижодкорлигининг истиқболларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш долзарб

муаммолардан ҳисобланади. Ушбу соҳани ривожлантириш юзасидан қандай таклифлар бера оласиз.

2. Дарс машғулотларига тайёргарлик кўришда амалиётдан мутахассис жалб қилишнинг афзалликлари нимада?

3. Юридик хизмат соҳасидаги ҳужжатларни йиғган ҳолда ҳужжатлар жилдини тайёрланг.

5. Юридик хизмат соҳасидаги қонунчилик: халқаро ва миллий тажрибани солиштириш ва талабага етказишда электрон ресурслардан фойдаланиш

Режа:

1. Юридик хизмат модулини ўқитишда миллий ва халқаро тажрибани ўзаро таққослаш.
2. Аналитик хулоса тайёрлаш ва унга талабаларни қизиқтириш усуллари.
3. Хулосаларни талабага етказишда презентация видеоролик каби электрон ресурслардан фойдаланиш.

Таянч иборалар: юридик хизмат, ҳуқуқий тартибга солиш, юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро, бро, юрист, юристконсулт.

Дарс машғулотларини қуйидаги маълумотлар асосида ўтиши тавсия этилади. Педагогик технология нуқтаи назардан қуйидагилар қамраб олади:

Суд материалларидан фойдаланиш асослари;

Дарс машғулотига тайёргарликда эътибор бериши лозим бўлган масалалар.

Мамлакатимизда юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда хорижий давлатларнинг юридик хизмат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, уларнинг тизими, фаолияти ва ҳуқуқий мақомини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Юридик хизматдан давлат ва жамият ҳаётида унумли фойдаланиш ривожланган давлатлар ҳамда бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга интилаётган бошқа мамлакатларда йўлга қўйилган.

Бироқ бу борадаги қонунчиликнинг ривожланиши ҳар бир мамлакат бошқарув ва тузилиш шаклининг ўзига хослиги, эркин бозор муносабатларининг нечоғлиқ йўлга қўйилганлиги, қонун ижодкорлиги жараёни ва уни қўллаш механизмларининг ҳолатига асосланади.

Қуйида Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Германия каби давлатларнинг юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асослари, унинг тизими, ҳуқуқ ва вазифалари илмий таҳлил қилинади.

Россия Федерациясида ҳам мамлакатимиздаги каби юридик хизмат тўғрисидаги қонунчилик, унинг ҳуқуқий мақоми ва фаолият юритиш тартиби ҳамда ҳуқуқий ишларни амалга оширишдаги иштироки юридик хизматни тизимли таҳлил қилиш имкониятини беради. Россия Федерациясида юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг локал ҳужжатлари билан белгиланган. Россия Федерацияси Конституциясининг 48-моддасида «Ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Қонунда белгиланган ҳолларда эса юридик ёрдам кўрсатиш бепул амалга оширилади»¹– деб қайд қилинган бўлиб, мазкур норма юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми белгилашда муҳим аҳамият касб этади²

Ҳозирги кунда федерал давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий таъминланишида юридик хизматнинг ролини оширишга ҳаракат қилинаётганлигини кузатиш мумкин. Бунга яққол мисол бўлиб, Россия Федерацияси Президенти томонидан 2001 йил 8 майда қабул қилинган «Давлат органларининг юридик хизматини мустаҳкамлашнинг баъзи чора-тадбирлари тўғрисида»ги 528-сонли Фармонини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Фармонда федерал давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат органлари раҳбарларига мазкур органлар (уларнинг аппарати) таркибига юридик хизмат мустақил таркибий бўлинма сифатида киритилиши ва бевосита ушбу органлар ёки уларнинг аппаратлари раҳбарларига бўйсунishi лозимлиги тавсия этилган. Шунингдек, унда ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, таҳрир қилиш ҳамда ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда иштирок этадиган ва олий юридик маълумотга эга бўлган юридик хизмат ходимларини моддий рағбатлантириш мақсадида мазкур органлар раҳбарларига уларнинг мансаб маошларига устамалар ўрнатиш ҳуқуқи берилган. Фармон билан Россия Федерацияси Ҳукуматида ижроия ҳокимият федерал органларининг юридик хизмати тўғрисида намунавий низомни тасдиқлаш вазифаси юклатилган.

¹ Конституция Российской Федерации. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.constitution.ru>] свободный.

² Мельниченко Р.Г. Право на юридическую помощь: конституционные аспекты. Изд-во ВАГС. 2003. – 199 с.

Намунавий низомга мувофиқ ижроия ҳокимият федерал органлари томонидан ижроия ҳокимият федерал органи юридик хизмати тўғрисидаги низомлар¹, Россия Федерацияси субъектларида (республика, ўлка, област, федерал миқёсдаги шаҳар, автоном област, автоном округларида) эса тегишли федерация субъектлари ижроия ҳокимияти органлари юридик хизмати тўғрисидаги Намунавий низомлар тасдиқланган.

Россия Федерацияси Парламенти – Федерал Мажлис (Федерал Кенгаш ва Давлат Думаси) юридик хизматлари ҳам мазкур органлар томонидан тасдиқланган низомлар асосида фаолият юритадилар.

Россия Федерациясида юридик хизматнинг тузилиши, ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий йўналишлари, федерал ёки Россия Федерацияси субъекти органларида фаолият кўрсатишини инобатга олиб, уларни қуйидаги гуруҳ (тур)ларга ажратиш мумкин: а) федерал давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг юридик хизмати (Россия Федерацияси Президенти Давлат-ҳуқуқий бошқармаси, Федерал Мажлис палаталари Ҳуқуқий бошқармалари, Ҳукумат аппаратининг Ҳуқуқий бошқармаси); б) ижроия ҳокимият федерал органларининг юридик хизмати; в) Россия Федерацияси субъектлари (республика, ўлка, област, федерал миқёсдаги шаҳар, автоном област, автоном округлар) давлат органларининг юридик хизмати; г) Россия Федерациясининг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари юридик хизмати; д) корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизмати.

Россия Федерацияси Давлат Думаси Девонининг мустақил таркибий тузилмаси сифатида намоён бўладиган Ҳуқуқий бошқарманинг мақоми 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган «Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Давлат Думаси Девонининг Ҳуқуқий бошқармаси тўғрисидаги Низом» билан белгиланган бўлиб, унга биноан Ҳуқуқий бошқарма зиммасига қуйидаги асосий функциялар юклатилган: Давлат Думаси кенгашининг ёки конун лойиҳасини тайёрлаш учун масъул бўлган кўмиталарнинг топшириғига биноан Думага келиб тушган конун лойиҳаларини, Давлат Думасининг қарорлари, аризалари, мурожаатлари, парламент сўровларининг, Россия Федерацияси Конституциявий судига мурожаатларининг лойиҳаларини амалдаги қонунчиликка, халқаро шартномаларга мослиги нуқтаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, ҳулосалар тайёрлаш, шу билан бирга кўрсатилган ҳужжатларнинг юридик-техник ва лингвистик қайта ишланишида иштирок этиш; Давлат Думасида қабул қилинган ва тайёрланган барча ҳужжатларни Россия Федерацияси

Федерал Мажлисининг Федерация Кенгашига ҳамда Россия Федерацияси Президентига юборилиши жараёнида иштирок этиш; Давлат Думаси депутатларига, унинг ички тузилмаларига қонун лойиҳаларини Давлат Думасига киритишдан олдин бу ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларнинг кузатув хатларини тайёрлаш масалалари бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш; Давлат Думаси мажлисларини ҳуқуқий таъминлашда иштирок этиш; Россия Федерацияси қонунчилигининг ҳисобини ва тизимлаштирилишини амалга ошириш; Давлат Думасини ҳуқуқий ахборотлаштиришда, унинг ахборот фонди ресурсларини шакллантиришда иштирок этиш; Давлат Думаси депутатлари ва унинг девони ходимларининг ҳуқуқий билимларини оширишда иштирок этиш ва бошқалар.

Россия Федерациясида **якка тартибда фаолият юритувчи юристлар** ҳам хўжалик юритувчи субъектларга юридик хизмат кўрсатиши мумкин. Бундай фаолиятни юритиш учун лицензия талаб қилинмайди. Улар якка тартибда ёки ёзма шаклда оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома)⁴ тузиш орқали икки ёки ундан ортиқ якка тартибда фаолият юритувчи юристлар билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектларга юридик хизмат кўрсатадилар.

Беларусь Республикаси юридик хизмати

Беларусь Республикаси парламентининг Вакиллар палатаси юридик хизмати – Бош ҳуқуқий бошқармаси² деб номланади. Унинг асосий вазифалари бўлиб, Вакиллар палатаси ва унинг Котибияти фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш; қонунлар, Вакиллар палатаси ва унинг Кенгаши қарорлари лойиҳаларини ҳамда Вакиллар палатасига келиб тушган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик экспертиза қилиш; Вакиллар палатаси ва унинг Кенгаши қарорлари, бошқа локал норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш; Вакиллар палатаси депутатлари ва палата котибияти ходимларига норма ижодкорлиги масалалари бўйича маслаҳат ёрдами бериш ҳисобланади.

Беларусь Республикаси Миллий Мажлисининг Республика Совети юридик хизмати – Қонунчилик ва давлат қурилиши бош бошқармаси³ деб номланади ҳамда унинг асосий вазифалари Вакиллар палатаси юридик хизмати вазифаларга ўхшайди. Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси ҳар иккала палатаси юридик хизмати уларнинг Котибияти таркибига мустақил тузилма сифатида киритилган. Россия Федерациясида **якка**

тартибда фаолият юритувчи юристлар ҳам хўжалик юритувчи субъектларга юридик хизмат кўрсатиши мумкин. Бундай фаолиятни юритиш учун лицензия талаб қилинмайди. Улар якка тартибда ёки ёзма шаклда оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) тузиш орқали икки ёки ундан ортиқ якка тартибда фаолият юритувчи юристлар билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектларга юридик хизмат кўрсатадилар.

Беларусь Республикаси Президенти Администрацияси тузилмасида юридик хизмат – Давлат-ҳуқуқий бош бошқарма ташкил қилинган. Беларусь Республикаси Президентининг 2017 йил 13 февралдаги 40-сон «Беларусь Республикаси Президенти Администрациясини оптималлаштириш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Давлат-ҳуқуқий бош бошқарманинг асосий вазифалари жумласига Президентнинг фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, давлат органларининг ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишни ташкил қилиш киради.

Беларусь Республикаси Министрлар Совети Аппаратида юридик хизмат – Юридик бошқарма, деб юритилади ва унга ҳукумат фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш вазифаси юклатилган.

Министрлик, республика давлат бошқаруви бошқа органи, Беларусь Республикаси Ҳукуматида бўйсунувчи давлат ташкилоти, маҳаллий ижроия ва бошқарув органи юридик хизмати.

Беларусь Республикасида юридик хизматнинг ролини ошириш ва ишлари сифатини кўтариш мақсадида Беларусь Республикаси Министрлар Советининг 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган 2070-сонли қарори билан «Давлат бошқаруви республика органи ва Беларусь Республикаси Ҳукуматида бўйсунувчи бошқа давлат ташкилоти, маҳаллий ижроия ва бошқарув органи юридик хизмати Намунавий низоми» ва «Давлат ташкилоти юридик хизмати тўғрисида Намунавий низом» тасдиқланган³.

Давлат бошқаруви республика органи, шу жумладан унинг департаменти ва Беларусь Республикаси Ҳукуматида бўйсунувчи бошқа давлат ташкилоти, маҳаллий ижроия ва бошқарув органи юридик хизмати деганда Намунавий низомнинг 1-бандига кўра – давлат органи фаолият юритишини ҳуқуқий таъминлаш ва унинг фаолиятида қонунийликка риоя

³ Постановление Совета Министров Республики Беларусь от 31 декабря 2008 г. № 2070 "О некоторых мерах, направленных на повышение роли и качества работы юридических служб. Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь от 27.01.2009 г., №19, ст., 5/29149

қилиш мақсадида ташкил этиладиган таркибий тузилма (бош бошқарма, бошқарма, бўлим, сектор) ёки жорий қилинадиган бош юрисконсулт лавозими тушунилади.

«Давлат ташкилоти юридик хизмати тўғрисида Намунавий низом»да давлат ташкилоти юридик хизматининг асосий вазифалари, функциялари, мажбурияти, ҳуқуқ ва жавобгарлиги белгиланган. Шунингдек, Низомда юридик хизмат бевосита давлат ташкилоти раҳбарига бўйсунуши қайд қилинган, давлат ташкилоти раҳбарига эса юридик хизмат ходимларини малакасини оширишни, уларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, юридик адабиёт, ахборот материаллари, ташкилий техника билан таъминлаш каби мажбуриятлар юклатилган.

Нодавлат ташкилотлар юридик хизмати

Беларусь Республикаси Министрлар Советининг 2008 йил 31 декабрдаги «Юридик хизматларнинг роли ва ишлари сифатини оширишга қаратилган айрим чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2070-сонли қарорининг 4-бандида нодавлат ташкилотлар раҳбарларига «Давлат ташкилоти юридик хизмати тўғрисида Намунавий низом»дан фойдаланиш тавсия қилинган. Демак мулкчилик шаклидан қатъи назар барча нодавлат ташкилотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ҳам Намунавий низомга мувофиқ юридик хизмат тўғрисида ўз ички низомларини қабул қилишлари мумкин.

Нодавлат ташкилотлар юридик хизмати мустақил таркибий тузилма сифатида ёки етакчи юрисконсулт, юрисконсулт лавозимини жорий қилиш орқали ташкил қилинади. Юридик хизмат раҳбари лавозимига олий юридик маълумотли ва мутахассислик бўйича 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган шахслар, юридик хизмат ходими лавозимига эса – олий юридик маълумотли, шунингдек ўрта махсус юридик маълумотли ва юридик мутахассислик бўйича камида 3 йиллик стажга эга бўлган шахслар тайинланадилар.

Беларус Республикасида юридик хизматнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- а) ташкилот фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш;
- б) ташкилотнинг ҳуқуқий масалаларини ҳал қилишда иштирок этиш;
- в) ташкилот фаолиятида қонунийликни таъминлаш;
- г) ташкилотнинг мулкӣ ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- д) ташкилотда қабул қилинадиган локал норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчиликка мувофиқлигини таъминлаш, агар қонунчиликка зид бундай ҳужжатлар қабул қилинган бўлса, уларни белгиланган тартибда бекор қилиш бўйича чоралар кўриш;
- е) ташкилот мансабдор шахсларига норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;

Корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш шакллари

Юқорида қайд қилинганидек ташкилотларда ҳуқуқий ишларни нафақат штатдаги юридик хизмат ходимлари, балки адвокатлар, юридик фирмалар ва яқка тартибда фаолият юритадиган юристлар ҳам амалга оширишлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Беларусь Республикасида адвокатура томонидан юридик ёрдам кўрсатиш ривожланган бўлиб, Адлия вазирлиги адвокатлик фаолиятига умумий ва услубий раҳбарликни амалга оширади, «Беларусь Республикасида адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида»ги ҚонунгаЗ кўра адвокатура фаолиятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади, бу фаолият турини лицензиялашни таъминлайди, ўз ваколатлари доирасида адвокатура фаолиятида қонунийликка амал қилиниши устидан назорат олиб боради. Адлия вазирлиги томонидан 2959 та адвокатлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилган. Ҳозирги кунда улар 161 та юридик

маслаҳатхоналар ва 81 та адвокатлик бюрolari таркибида ҳамда 321 таси якка тартибда фаолият юритмоқда⁴.

Қозоғистон Республикаси юридик хизмати

Қозоғистон Республикаси Президенти Аппарати, давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг (Қозоғистон Республикаси Парламенти палаталари – Сенат ва Мажилис ҳамда Ҳукумати), министрликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари (маслаҳат ва акимият), корхона ва муассасалар юридик хизматининг ҳуқуқий асослари тегишли органларнинг норматив ҳужжатлари⁴, шу жумладан Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 2006 йил 9 ноябрдаги 1072-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат органлари юридик хизмати тўғрисидаги Намунавий Типовой) низом»⁵ билан тартибга солинади. Ушбу Низом 15 бандни ўз ичига олган қуйидаги 4 бўлимдан иборат: умумий қоидалар, юридик хизматни ташкил қилиш, юридик хизмат фаолияти, юридик хизмат ходимларини моддий рағбатлантириш. Умумий қоидаларда Низом билан барча давлат органлари юридик хизматини ташкил қилиш ва фаолиятига ягона талаблар ўрнатилган; юридик хизмат мустақил таркибий бўлинма сифатида ташкил қилиниши белгиланган; мазкур органлар ҳуқуқий ишларига Адлия вазирлиги ва бошқармалари услубий раҳбарликни амалга ошириши ҳамда уларнинг тавсиялари барча юридик хизматлар томонидан қўллаш мажбурий эканлиги; юридик хизматнинг асосий вазифалари кўрсатилган. Унга кўра юридик хизматнинг асосий вазифалари қуйидагилар: вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижроия органлари ва уларга бўйсунувчи корхона, муассасалар фаолиятида қонунийликка риоя этилишини таъминлаш; юридик шахснинг мулкӣ ва бошқа ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳуқуқий воситалар орқали ҳимоя қилиш; Қозоғистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини тарғиб қилиш ва тушунтириш, умумий ҳуқуқий таълимни ташкил этиш; норматив ҳужжатлар, буйруқлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган ҳужжатларнинг лойиҳасини тайёрлашда иштирок этиш ҳисобланади. Давлат бошқарув органлари ва корхона, муассасаларда иш ҳажми, хусусияти ва мураккаблигига қараб раҳбарнинг ҳуқуқий масалалар бўйича ўринбосари, бош (катта) юрисконсулт, юрисконсулт лавозимлари

⁴ <https://minjust.gov.by/directions/advocacy>.

⁵ Қаранг: Постановление Правительства Республики Казахстан от 9 ноября 2006 года № 1072 “Об утверждении Типового положения о юридических службах государственных органов Республики Казахстан” //Информационно–правовая система нормативных правовых актов Республики Казахстан «Әділет» - <http://adilet.zan.kz/rus/docs/P060001072>.

киритилади ҳамда бу лавозимларга махсус юридик маълумотга эга бўлган шахслар тайинланадилар. Юридик хизматни тугатиш ёки қайта ташкил этиш, унинг ходимлари сонини қисқартириш юқори турувчи органнинг қарорига кўра амалга оширилиши лозимлиги тўғрисидаги норманинг Низомда белгиланганлиги юридик хизмат фаолиятининг муҳим қафолати ҳисобланади. Низомнинг учинчи бўлимида вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижроия органлар юридик хизмати ҳамда уларга бўйсунувчи корхона, муассасалар юридик хизмати ваколатлари алоҳида бандларда, уларнинг ҳуқуқлари эса бир хил белгиланган. Давлат бошқарув органлари ваколатларининг ўзига хос жиҳатларидан бири улар зиммасига корхоналар ва муассасалар юридик хизмат ходимларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўриши юклатилганлигидир. Низомда юридик хизматнинг ҳуқуқлари жумласига бошқалардан фарқ қилувчи куйидаги ҳуқуқлар, яъни юридик хизмат норматив ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларига, агар улар амалдаги қонунчиликка мувофиқ бўлмаса виза кўйишни рад қилиши мумкинлиги; ҳуқуқий ишларни ташкил қилиш масалалари бўйича бўйсунувчи корхона ва муассасалар юридик хизмат ходимлари ижро қилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериши; қабул қилинаётган норматив ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар бўйича амалдаги қонунчиликка асосланган фикр ва тавсиялар бериши; раҳбариятнинг розилиги билан давлат органлари ва корхона, муассасалар ходимларини ҳуқуқий ўқитиш учун юридик хизмат ҳузурида контракт асосида ҳуқуқий ўқув мактаби ёки маслаҳат пункти ташкил этиш мумкинлиги тўғрисидаги нормалар белгиланганлиги уларнинг ҳар томонлама мавқеини оширишга хизмат қилади. Низомда, шунингдек, барча ходимлар учун белгиланган мукофотлаш тизими билан бир қаторда раҳбарларга давлат органи ва корхона, муассаса имкониятидан келиб чиқиб юридик хизмат ходимларини қўшимча моддий рағбатлантириш тартибини ўрнатиш ҳуқуқи берилган.

Германиянинг юридик хизмати

Германияда барча давлат органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектларда (компаниялар, корхоналарда ва хоказо) ҳуқуқий ишларни амалга ошириш учун юридик хизмат ташкил қилинади. Юридик хизмат давлат органлари ва компанияларнинг таркибий тузилмаси ҳисобланиб, у - юридик бўлим, юридик гуруҳ, юрисконсулт шаклида ташкил қилинади.

Юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолияти махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан эмас, балки давлат органлари ва компанияларнинг ички ҳужжатлари (низомлар, мансаб йўриқномалари, меҳнат шартномаси) билан тартибга солинади. Лекин бу Германияда юридик хизматга оид умуман ҳеч қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас деган хулосага келиш учун асос бўлмайди. Чунки давлат органлари ва компаниялар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек, процессуал қонун ҳужжатларида юридик хизмат томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ишлар ва унинг фаолиятига оид бошқа нормалар, давлат хизматчилари тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган⁶.

Германияда компанияларнинг юридик хизмат ходимлари бизнинг мамлакатимиздагидан фарқли ўлароқ, судларда компания ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатига эга эмаслар. Бу вазифани тегишли судларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган адвокатлар амалга оширадilar. Аммо, суд мажлислари очик бўлганлиги сабабли юридик хизмат ходимлари ҳам барча фуқаролар сингари унда қатнашишлари мумкин. Адвокатларга компания даъвогар бўлганда даъво аризаларини ёки жавобгар бўлганда даъво аризасига юзасидан фикрномаларни ёзиш ва уларга илова қилиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни компания юридик хизмати тайёрлаб беради.

Германияда фуқаролик процесси адвокатнинг мажбурий равишдаги иштироки ёки унинг иштирокисиз амалга оширилади. Германия ФПКнинг 78-моддасига мувофиқ округ (ландгерихт) ва бошқа барча юқори инстанция судларида тарафлар адвокат орқали ўз манфатларини ҳимоя қилишлари мумкин. Агар тарафлар адвокат орқали вакиллик қилиши мажбурий бўлмаган ҳолларда, низо судда тарафларнинг ўзи ёки фуқаролик процессуал муомала лаёқатига эга бўлган ҳар қандай шахсни вакил қилиш орқали кўриб чиқиши мумкин.

Демак, бундай ҳолларда вакил сифатида компаниянинг юридик хизмат ходими иштирок этиши мумкин бўлади⁷.

⁶ Закон о федеральных чиновниках от 14 июля 1953 года в новой редакции от 27 февраля 1985 г.; Рамочный закон о праве чиновников от 1 июля 1957 года в новой редакции от 27 февраля 1985 г.; Закон об окладах федеральных служащих от 27 июля 1957 года в редакции 3 декабря 1998 года, Положение о прохождении государственной службы в Федерации от 15 ноября 1978 г. в новой редакции от 8 марта 1990 г.; Федеральный дисциплинарный устав от 20 июля 1967 года. Электронный ресурс. Режим доступа: <http://www.legislature.ru>, свободный.

⁷ *Давтян А.Г.* Гражданское процессуальное право Германии. – М.: Городец-издат, 2000. –С.23; *Жалинский А., Рёрихт А.* Введение в немецкое право.– М.: Спрак, 2001.– С.518-541; *Правовая система Федеративной Республики Германии.* – Бонн, 1996. –27 с.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳамда Россия Федерациясининг юридик хизматининг ўзаро ўхшашглик ва фарқли жиҳатлари нимада?
2. Юридик хизмат соҳасини ривожлантириш мақсадида қайси давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқ?

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ


1-амалий машғулот. “Юридик хизмат” тушунчаси, мазмун-моҳияти, модулни ўқитиш методологиясининг бошқа юридик фанлардан фарқли жиҳатлари

Топширик

Корхонада иш ҳажми кўпайганлиги сабабли фуқаролик ҳуқуқий шартнома билан мутахассисларни вақтинча ишга қабул қилинди. Меҳнат шартномаси асосида ишловчи ходимларга кечгача ишлашга буйруқ қилинган. Корхона раҳбар юристконсултдан фуқаролик ҳуқуқий шартнома билан ишлаётган ходимга қайдай қонуний йўл тутса кечгача ишлашга рухсат берилиши ҳақида сўради?

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.


- 1. Мазкур казусни Маъмурий ҳуқуққа алоқадор жиҳатларини таҳлил қилинг:**



2. Казусдаги ҳуқуқий муаммолар доирасини белгиланг:



3. Ўз хулосангизни шакллантиринг:



2- топшириқ

Савол:

Ҳокимнинг қарорига асосан, бир нечта шахсларга уй-жой қуриш учун юқори кучланишли электр узатиш линиялари остидан "кейинчалик ушбу электр линияларини аҳолининг ўз ҳисобидан бошқа ерга кўчириши шарт билан" ер ажратилган. Ҳокимнинг ушбу қарори қонунийми? Ҳоким қарорини ишлаб чиқишда ва қонунийлигини текширишда юридик хизматнинг роли қандай?

2-амалий машғулот. Давлат ва нодавлат ташкилотлардаги юридик хизматнинг ўзаро фарқи. Халқаро ташкилотлар фаолиятида юридик хизматнинг аҳамияти

1-топширик

Ташкилот бош юристконсулти Ф. Ташкилот ходимларини 2019 йил 7 мартдаги ПҚ 4235-сонли Президент қарорида акс этган аёллар 60 ёшга қадар ишлашлари мумкинлиги тўғрисидаги норма билан таништириб ўтди. Орадан ходим Н.(аёл) нинг ёши 56 далигини ва пенсия ёшига етганлигини, Меҳнат кодексда ушбу норма киритилмаганини айтиб, иш берувчи уни бир томонлама ишдан бўшатишга ҳаққи бор ёки йўқлигини сўраб ташкилот бош юристконсултига мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

2-топширик

Фуқаро Л. 2007 йил март ойидан 2015 йил апрель ойига қадар ички ишлар тизимларида турли лавозимларда, охириги вақтда Андижон вилояти Асака тумани Ички ишлар бўлими Жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш гуруҳи тезкор вакили лавозимида хизмат қилган.

Андижон вилояти ИИБ 2015 йил 20 апрелдаги №18 ш/т сонли буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида хизматни ўташ ҳақидаги муваққат Низом”нинг 69-моддасига асосан ишдан бўшатишган.

Шундан кейин у Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига Ички ишлар идораларига қайта қабул қилишда амалий ёрдам беришни сўраб ариза билан мурожаат қилган. Унинг мурожаатига асосан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи биринчи ўринбосари томонидан 2017 йил 17 ноябрдаги 3/Ш-58 сонли жавоб хати билан уни ички ишлар идоралари хизматида қайта қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган. Шундан сўнг аризачи Л. маъмурий судга шикоят қилди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

Ушбу муаммоли ҳолатда ИИБ тизимидаги юридик хизматнинг ўзига хослиги нималарда кўринади?

3-амалий машғулот. Юридик хизмат модулини ўқитишга тайёргарлик кўриш. Назарий саволлар тузиш, фанни ўқитишда ҳуқуқшунос педагоглар тажрибасидан фойдаланиш

1-топшириқ

1. Ўзингиз намунавий тарзда юридик хизмат модулини ўқитишга тайёргарлик кўринг, интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда ўз дарс жараёнингизни лойихалаштиринг.

1-босқич:



2-босқич:



3-босқич:



Тингловчиларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда дас ўтиш мобайнида иккита гуруҳ ўртасида муаммоли вазият юзага келди. Бу ҳолатда қандай педагогик методикаларни қўлайсиз?

Қуйидаги саволга жавоб беринг.

Ушбу ҳолатда фикрингизни асослантириб беринг.

4-амалий машғулот. Юридик хизмат соҳасини ҳуқуқий тартибга солишдаги муаммолар – назария ва амалиёт уйғунлигида

1- топшириқ:

1. Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги Юридик хизмати – Шартномавий-ҳуқуқий департаментининг диққатга сазовор жиҳатларини санаб беринг.

2. Россия Федерацияси Қуролли кучлар юридик хизматининг ўзига хос томонларини санаб беринг.

3. Қайси давлатларда юридик хизматнинг ролини ошириш ва ишлари сифатини кўтариш мақсадида Ҳукумат қарорлари билан давлат бошқаруви органлари ва давлат ташкилотлари юридик хизмати тўғрисида Намунавий низомлар тасдиқланган?

4. Бу каби намунавий низомларнинг афзалликлари ва камчиликлари нимада?

2-топшириқ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг юридик бошқармасига ишга қабул қилинган олий маълумотли Ш. фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва ўрганиш жараёнида бир қанча ноқонуний ва коррупцион нормалар борлигини аниқлади.

1. Ушбу ҳолатда Ш. қандай йўл тутиши лозим?

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг юридик бошқармасининг юридик хизмати қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади?

**5-амалий машғулот. Юридик хизмат соҳасига оид
қонунчиликдаги сўнгги ислохотлар ва илмий изланишлардан дарс
машғулотларида фойдаланиш методикаси**

1-топширик:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг юридик бошқармаси ходими К. Иш фаолиятини бошлаганидан 8 ой ўтиб, иш фаолиятидаги ютуқлар ва ижро интизомига тўлиқ риоя этилганлиги ҳамда ходимнинг ўз шахсий ижобий хислатларидан келиб чиқиб, Олий Мажлиси Сенатининг Девони томонидан унга мартаба даражасини бериш масаласи кўтарилди.

Ушбу масалада юридик бошқарма раҳбари ўз фикрини билдириб, ходимга мартаба даража бериш учун ходим камида бир йил ишлаган бўлиши кераклиги ва муддатда истисно ҳолатлари ҳақида гапириб ўтди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

2-топширик:

“Меҳрли кўллар” ННТ га янги юрист ишга олинди ва ундан ННТ доирасидаги ички ҳужжатларни кўриш, уларни такомиллаштириб бериш вазифаси топширилди. Шунда ходим у юридик хизмат кўрсатишини ва ички ҳужжатлар билан бирга қоун ҳужжатларини ҳам кўриб, таҳрирлаб ННТ учун мослаштириб талқин қилиб беришини айтди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

3-топширик:

Юридик хизмат соҳасида бир нафар амалиётчи ва назариётчи олимларнинг фикрини ўрганган ҳолда соҳага оид қисқа мақола шакллантиринг. Унда икки хил фикрларни таққослаган ҳолда таҳлил қилинг ва ўз мустақил хулосаларингизни баён қилинг.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Амалий йўналтирилган, кўникма ва малакаларни мустаҳкамловчи услублар ўз хусусиятларига кўра инновацион ҳисобланади. Уларга: ташкилий-фаолиятли ўйинлар (ТФЎ), ишчан ва ролли ўйинлар, персоналларнинг мулоқоти, ижодий ишлар, психотехника, ролли тренинг, “Case-study” ва бошқалар киради. “Case-study” – турли вазиятларнинг тавсифидан, яъни кейслардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларда аниқ кўникмаларни шакллантириш техникасидир

Кейс — бирор ташкилотдаги қандайдир аниқ реал вазиятнинг ёзма тавсифидир. Ундан фойдаланиш мобайнида ўқувчилардан вазиятни таҳлил қилиш, муаммонинг моҳиятини кўриб чиқиш, мумкин бўлган вариантларни таклиф этиш ва улардан энг мақбулини танлаш сўралади.

Ихтиёрий *кейс* ўқитувчига, уни таълим жараёнининг ихтиёрий босқичларида, жумладан, ўқитиш ва унинг натижаларини назорат қилиш мобайнида фойдаланиш *имкониятини* беради.

1-масала

Ташкилот бош юристконсульти Ф. Ташкилот ходимларини 2019 йил 7 мартдаги ПҚ 4235-сонли Президент қарорида акс этган аёллар 60 ёшга қадар ишлашлари мумкинлиги тўғрисидаги норма билан таништириб ўтди. Орадан ходим Н.(аёл) нинг ёши 56 далигини ва пенсия ёшига етганлигини, Меҳнат кодексда ушбу норма киритилмаганини айтиб, иш берувчи уни бир томонлама ишдан бўшатишга ҳаққи бор ёки йўқлигини сўраб ташкилот бош юристконсультига мурожаат қилди.

2-масала

Фукаро Л. 2007 йил март ойидан 2015 йил апрель ойига қадар ички ишлар тизимларида турли лавозимларда, охириги вақтда Андижон вилояти Асака тумани Ички ишлар бўлими Жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш гуруҳи тезкор вакили лавозимида хизмат қилган.

Андижон вилояти ИИБ 2015 йил 20 апрелдаги №18 ш/т сонли буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида хизматни ўташ ҳақидаги муваққат Низом”нинг 69-моддасига асосан ишдан бўшатишган.

Шундан кейин у Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига Ички ишлар идораларига қайта қабул қилишда амалий ёрдам беришни сўраб ариза билан мурожаат қилган. Унинг мурожаатига асосан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи биринчи ўринбосари томонидан 2017 йил 17 ноябрдаги 3/Ш-58 сонли жавоб хати билан уни ички ишлар идоралари хизматига қайта қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган. Шундан сўнг аризачи Л. маъмурий судга шикоят қилди.

3-масала

Корхонада иш ҳажми кўпайганлиги сабабли фукаролик ҳуқуқий шартнома билан мутахассиларни вақтинча ишга қабул қилинди. Меҳнат шартномаси асосида ишловчи ходимларга кечқача ишлашга буйруқ қилинган. Корхона раҳбар юристконсултдан фукаролик ҳуқуқий шартнома билан ишлаётган ходимга қайдай қонуний йул тутса кечқача ишлашга рухсат берилиши ҳақида сўради?

4-масала

Ҳокимнинг қарорига асосан, бир нечта шахсларга уй-жой қуриш учун юқори кучланишли электр узатиш линиялари остидан "кейинчалик ушбу электр линияларини аҳолининг ўз ҳисобидан бошқа ерга кўчириши шарт билан" ер ажратилган. Ҳокимнинг ушбу қарори қонунийми? Ҳоким қарорини ишлаб чиқишда ва қонуничилигини текширишда юридик хизматнинг роли қандай?

5-масала

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг юридик бошқармасига ишга қабул қилинган олий маълумотли Ш. Фаолитяи давомида Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва ўрганиш жараёнида бир қанча ноқонуний ва коррупцион нормалар борлигини аниқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг юридик бошқармасининг юридик хизмати қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади

6-масала

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги таркибидаги Юридик бошқармасида бошқарма бошлиғи ўринбосари сифатида ишлаб келаётган Б.Анваров ўз қўл остидаги катта маслаҳатчи лавозимида ишлаб келаётган О.Олимовни дам олиш кунлари ҳам бир неча мартаба ишга жалб қилган. Бундан норози бўлган О.Олимов юқори турувчи мансабдор шахсга шикоят билан мурожаат қилиб Б.Анваровнинг хатти-ҳаракатларидан норози эканлини билдирди. У ўз шикоятида Б.Анваровнинг хотини томонидан қариндош бўлган, яъни рафиқасининг укаси Б.Ботировнинг илтимосига кўра ушбу лавозимни эгаллаганлигини қайд этиб ўтди. Шунингдек,

шикоятда у Б.Ботиров ушбу бошқармада етакчи маслатчи лавозимида ишлаб келаётгани ва улар ўртасида иш билан боғлиқ низо келиб чиққанлиги сабабли Б.Ботиров бошқарма бошлиғи Б.Анваровдан уни дам олиш кунлари ҳам ишга жалб қилишини сўраганини кўрсатиб ўтди. Бундан ташқари, О.Олимов ўз шикоятида давлат хизматида қариндош-уруғларнинг давлат корхоналари ва органларида бири иккинчисига бевосита бўйсунувчи ёки унинг назорати остида хизмат қилиши мумкин эмаслигини ҳам айтиб ўтган. Шунингдек, дам олиш кунлари ишга жалб қилишга алоҳида ҳолларда жамоа шартномасида агар у тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган асослар бўйича ва тартибда йўл кўйилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтди.

7-масала

Тошкент шаҳрида жойлашган Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий-ҳарбий теника билим юртида профессор-ўқитувчилик лавозимларини эгаллаб турган ва илмий даражага эга бўлган бошлиқлар таркибидаги С.Намозов белгиланган чегарадаги ёшга тўлган ходим сифатида захирага ёки истеъфога чиқиши лозим бўлсада, у ишлаб туриб пенсия олиш ҳуқуқидан фойдаланиш фикрини билдирди. Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий-ҳарбий теника билим юрти кадрлари агар ишлаб туриб меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган бўлса, иш ҳақи таркибида ва пенсия миқдорида ўзгаришлар бўлиши (иш ҳақининг ярми ва пенсиянинг ярми сақланиши) тўғрисида огоҳлантирди. С.Намозов ўзининг профессор эканлигини ва шу ерда анча йилдан бери хизмат қилаётганлигини айтиб кадрлар бўлимига эътироз билдирди ва юридик бошқармага мурожаат қилди.

8-масала

Прокуратура органи томонидан шикоятни кўриб чиқиш давомида туман ИИБ паспорт бўлими томонидан қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя қилмаслик ҳамда фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқишда сансалорликка йўл қўйилиши ҳолатлари аниқланган. Хусусан, туман ИИБ паспорт бўлими фуқаро М. га 45 ёшга тўлганлиги муносабати билан фуқаролик паспортини расмийлаштирилиб берганлиги, лекин доимий яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар қайд этилмагани аниқланган.

Фуқаролар муурожаатларини кўриб чиқишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар юридик хизматининг аҳамияти қандай.

9-масала

2014 йил 10 сентябрь куни фуқаро Содиқов Д. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани солиқ инспекцияси томонидан мол-мулк солиғини тўлаш тўғрисида тўлов хабарномасини олди. Фуқаро тўлов хабарномасида назарда тутилган 110 000 (бир юз ўн минг) сўм солиқ суммасини ўз вақтида хабарномада кўрсатилган миқдорда тўлади. 2014 йил 22 сентябрь куни фуқаро Содиқов Д. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани солиқ инспекциясига иш жойига тақдим этиш учун мол-мулк солиғидан қарзи йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани олгани борганда солиқ суммасини 23 000 (йигирма уч минг) сўм кўпроқ тўлагани маълум бўлди. Мазку ҳолат бўйича фуқаро солиқ органига муурожаат қилди. Солиқ органи бунга сабаб сифатида тўлов хабарномасида солиқ суммаси солиқ инспекцияси ходимининг эътиборсизлиги туфайли ошириб кўрсатилганлигини, ортиқча тўланган солиқ суммасини фуқаро Д. томонидан 2015 йил учун тўланадиган мол-мулк солиғи сифатида ўтказиб юборилишини маълум қилди. Шундан сўнг фуқаро Содиқов Д. Солиқ органининг юридик хизматига муурожаат қилди.

10-масала

Аризачи И. “COSCOM” МЧЖ хорижий корхонаси бош директорининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят билан мурожаат этиб, у “COSCOM” МЧЖ хорижий корхонасида юрисконсулт лавозимида ишлаб келаётганлигини, у директорнинг 2014 йил 24 ноябрдаги №426 “ЛС”-сонли буйруғига асосан компания ходими А.ни ҳуқуқий масалалар бўйича департамент директори лавозимига ўтказилганлиги, А. маълумотиغا кўра Москва тадбиркорлик ва ҳуқуқ институти томонидан берилган дипломга эга эканлиги, бироқ, унинг дипломи белгиланган тартибда нострификация қилинмаганлиги, шу сабабли у мазкур лавозимда ишлай олмаслигини кўрсатиб, “COSCOM” МЧЖ хорижий корхонаси директори зиммасига А.ни ҳуқуқий масалалар бўйича департамент директори лавозимига ўтказиш тўғрисидаги 2014 йил 24 ноябрдаги №426 “ЛС”-сонли буйруқни ва компания билан А. ўртасида тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш мажбуриятини юклашни сўраб судга шикоят қилган.

11-масала

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигини тугатиш ва Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида” қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда янги ташкил этилган қўмита фаолиятига оид қоидалар билан бир қаторда, қўмита марказий девони ходимлари, ридик бўлими ходимлари сони ва уларнинг таъминотига ажратиладиган маблағлар миқдори ҳам мустаҳкамлаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири эса ушбу қарорга нисбатан ўз эътирозини билдириб, Давлат қўмиталари, вазирликлар ва давлат бошқарувининг бошқа органлари Вазирлар Маҳкамасига бўйсунганлиги сабабли ушбу органларнинг марказий девони ходимлари сони ва улар таъминотига ажратиладиган маблағлар миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши лозимлигини билдирди.

12-масала

Судга фуқаро С.Шоирова Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар Сергели туман бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларига нисбатан шикоят аризаси билан мурожаат этган.

Суд мажлисида аризачи С.Шоирова, шикоят аризани қувватлаб, ўз кўргазмаларида, турмуш ўртоғи А.Шоиров билан биргаликдаги турмушларидан 1988 йил 4 август куни туғилган Киргизбоева Зулфия Абдуманоповна исмли ногирон фарзандлари борлигини, қизи туғилган пайтдан ногиронлигини, уни мактабгача таълим муассасасига ва мактабга олишмаганликларини, шунинг учун ўқиш ва ёзишни билмаслигини, болаликдан ногирон фарзанди борлиги сабабли 50 ёшдан пенсия олиш учун пенсия жамғармаси Сергели туман бўлимига мурожаат қилганлигини, пенсия жамғармасининг 2016 йил 03 февраль кунги жавоб хати билан унга рад жавоби берилганлигини, пенсия жамғармасининг ушбу ҳаракатларидан норози эканлигини, чунки пенсия жамғармасининг берган жавоб хатида “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддаси “з” бандига асосан болаликдан ногирон бўлган фарзандларнинг оналари 8 ёшгача тарбиялаган бўлса, иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда, умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олишлари мумкин деган важ билан унга имтиёзли пенсия тайинлашни рад этганлигини, қизи З.Киргизованинг болаликдан ногиронлиги ҳақида Тошкент ихтисослаштирилган ТМЭК томонидан 2002 йил 31 август куни 03 серияли А№016298 рақамли маълумотномаси тақдим қилганлигини, бу маълумотномада фарзанди болаликдан ногиронлиги кўрсатилганлигини, фарзандини 8 ёшдан бугунги кунга қадар тарбиялаб келаётганлигини кўрсатиб, пенсия жамғармаси Сергели тумани бўлимининг унга нисбатан 50 ёшдан имтиёзли пенсия тайинлашни рад этиш ҳақидаги қарорини ва жавоб хатини ғайриқонуний деб топиб, пенсия жамғармаси бўлимига унга имтиёзли асосларда пенсия тайинлаш мажбуриятини

юклатишни сўради.

13-масала

Бухоро вилоятида яшовчи фуқаро Комилов Ф. ўзи яшайдиган худуддаги дорихонадан дори сотиб олди. Шифохонага олиб борганда шифокор дори воситасининг муддати ўтиб кетганлиги айтди ва дорихона устидан Соғлиқни сақлаш бошқармасига шикоят қилиши лозимлигини айтди. Шифокорни гапига кулоқ солиб, бошқармага шикоят аризасини ёзди. Бошқарма юридик хизмати дорихона устидан фавқулодда тафтишлар ўтказиш тўғрисида қарор чиқарди. Бошқарма ходимлари дорихонага борганда, дорихона эгаси бошқарманинг фавқулодда тафтишлар ўтказиш бўйича ваколати йўқлиги айтди.

14-масала

Юридик хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш мақсадида фуқаро М. Тошкент шаҳар адлия бошқармасига лицензия бериш тўғрисидаги ариза (фамилияси, исми, отасининг исми ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг маълумотлари кўрсатган ҳолда), Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг нусхаси, олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси, меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси, талабгор тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган шахсий варақа, малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисидаги малака комиссиясининг қарорининг ва аризани адлия органи кўриб чиқиши учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этди. Орадан бир ой ўтгач адлия бошқармасидан лицензия бериш тўғрисида қарор бўйича ҳеч қандай хабар бўлмагач мазкур масала бўйича фуқаро М.нинг ўзи адлия бошқармасига мурожаат этди. Адлия бошқармаси масъул ходими фуқаро М.нинг тақдим этган ҳужжатлар мустақил экспертизадан ўтказиш зарурлиги учун адлия бошқармаси раҳбари томонидан кўриб чиқиш муддати узайтирилганини маълум қилди.

15-масала

Навоий вилоят ҳокими томонидан вилоят ҳудудини ободонлаштириш мақсадида вилоят ҳудудидаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларга маълум белгиланган ҳудуд ажратиб берилди ва ушбу ҳудудни инфратузилмасини ривожлантириш ва кўкаламзорлаштиришни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширишлари тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Аммо, Навоий эркин индустриал-иқтисодий зона маъмурияти вилоят ҳокими қарори улар учун мажбурий характерга эга эмаслигини ва у Эркин индустриал-иқтисодий зоналар бўйича республика маъмурий кенгаш орқали фаолиятини амалга оширишини ҳамда эркин индустриал-иқтисодий зоналарга берилган имтиёزلарни важ қилиб, қарор ижросини амалга оширмаслигини маълум қилди.

16-масала

Ўзбекистон Республикаси Давлат сатистика қўмитасига адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаро М. Муроджаат этиб, уни қўмигага 0.5 ставкага юрист сифатида ишга олиш учун ариза топширди. Ўндан сўнг қўмига томонидан унинг ҳужжатлари текширилди ва у адвокатлик фаолияти билан шуғулланётганлиги туфайли юридик хизматда ишлай олмаслигини айтишди ва ёзма жавоб қайтаришди.

17- масала

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг юридик бошқармаси ходими К. Иш фаолиятини бошлаганидан 8 ой ўтиб, иш фаолиятидаги ютуқлар ва ижро интизомига тўлиқ риоя этилганлиги ҳамда ходимнинг ўз шахсий ижобий хислатларидан келиб чиқиб, Олий Мажлиси Сенатининг Девони томонидан унга мартаба даражасини бериш масаласи кўтарилди.

Ушбу масалада юридик бошқарма раҳбари ўз фикрини билдириб, ходимга мартаба даража бериш учун ходим камида бир йил ишлаган бўлиши кераклиги ва муддатда истисно ҳолатлари ҳақида гапириб ўтди.

18-масала

“Меҳрли кўллар” ННТ га янги юрист ишга олинди ва ундан ННТ доирасидаги ички ҳужжатларни кўриш, уларни такомиллаштириб бериш вазифаси топширилди. Шунда ходим у юридик хизмат кўрсатишини ва ички ҳужжатлар билан бирга қоун ҳужжатларини ҳам кўриб, таҳрирлаб ННТ учун мослаштириб талқин қилиб беришини айтди.

19-масала

Соғлиқни сақлаш вазирлиги кадрлар бошқармаси ходимлари вазирликнинг ижро интизомини тўғри ташкил этиш билан боғлиқ ички низом ишлаб чиқиб тайёрлашди ва вазирлик юридик бўлимига кўриб чиқиб хулоса бериш учун топширишди.

Юридик бўлим ходимлари ҳар қандай юридик ҳужжат юристлар томонидан ишлаб чиқилиши кераклигини ваз қилиб. Ҳужжатни кўриб чиқишдан бош тортишди.

20-масала

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фирма юрист ходимлар кераклиги тўғрисида эълон берди. Суҳбатга келган фуқаро Н. Олий юридик маълумоти тўғрисидаги дипломни кўрсатганда ундан фирма раҳбарияти Адлия вазирлигидан юридик хизмат кўрсатиш учун имтиҳондан ўтган ўтмаганлигини тасдиқловчи ҳужжат сўрашди.

Фуқаро Н. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи фирма ўзига юрист ходим қабул қилаётганда юристлар учун Адлия органларидан имтиҳондан ўтиш мажбурий эмас деб жавоб берди.

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги Шарҳи
Юридик хизмат	<p>давлат органи ва ташкилоти фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий тузилма ёхуд лавозим.</p>	<p>an independent structural unit or position that is compulsorily established or introduced in accordance with the norms and criteria established by law for the purpose of legal support of the activities of a state body and organization.</p>
Юридик ёрдам	<p>фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга, ташкилотларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлашга ёрдам бериш. ЎзР Конституциясининг 26-моддасига мувофиқ, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши лозим. Мазкур конституциявий қоида замирида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга, ташкилотлар фаолиятининг қонунийлигини</p>	<p>to assist in the realization of the rights and freedoms of citizens, to ensure the legitimacy of the activities of organizations. According to Article 26 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the accused must be provided with all the conditions for self-defense in court. At the heart of this constitutional provision is the principle that the realization of the rights and freedoms of citizens, the legitimacy of</p>

	таъминлашга улар омилкорлик билан, малакали амалга оширилган тақдирдагина эришиш мумкин, деган принцип ётади.	the activities of organizations can be achieved only if they are carried out efficiently and competently.
Юридик маслаҳат	хукукий ёрдам тури. Бундай ёрдамни олий юридик ма’лумотли, тегишли малака имтиҳонини топширган, адвокатлик литсензиясига эга бўлган ёки ташкилот, муассаса, корхонада маслаҳатчи юрист лавозимида ишлаётган шахслар беришга ҳақли.	type of legal aid. Such assistance is provided by persons with higher legal education, who have passed the relevant qualification examination, have a lawyer's license or work as an advisory lawyer in an organization, institution or enterprise.
Юридик жавобгарлик	умумижтимоий жавобгарликнинг шакллари (ёки турларидан) бири (жавобгарликнинг сиёсий, миллий, тарихий, партиявий ва бошқа кўплаб турларини ҳам ўз ичига олади). Ўзбекистонлик хукукшуносларнинг ишларида ва чет эл юридик адабиётларида Юридик жавобгарлик тушунчасининг умум эътироф этилган таърифи	one of the forms (or types) of general social responsibility (including political, national, historical, party, and many other types of responsibility). In the works of Uzbek lawyers and foreign legal literature Yu.j. there is no generally accepted definition of the concept. It is sometimes described as “a coercive measure of the

	<p>мавжуд эмас. Баъзан у «хуқуқбузарнинг хулқ-атворини юридик нуқтаи назардан ва жамоатчилик томонидан қоралашга асосланган, мазкур шахсга нисбатан шахсий ва мулкӣй йўсиндаги чеклашлар шаклида маълум оқибатларнинг белгиланишида ифодаланадиган давлат мажбурлов чораси», деб таърифланади. Бошқаларнинг фикрига кўра, Юридик жавобгарлик - «давлатнинг махсус органлари ва содир этган хуқуқбузарлиги учун тегишли хуқуқлардан маҳрум бўлиш мажбурияти юкланган хуқуқбузар ўртасидаги хуқуқ нормалари билан тартибга солинган ижтимоӣ муносабат». Юридик жавобгарликка шунингдек «хуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан қонунда назарда тутилган мажбурлов чораларини бунинг учун белгиланган процессуал тартибда қўллаш» деб ҳам</p>	<p>state based on the legal and public condemnation of the offender's conduct, expressed in the determination of certain consequences in the form of personal and property restrictions on that person”.</p>
--	--	--

	каралади.	
Процессуал ҳужжат	маъмурий орган томонидан маъмурий иш юритиш давомида қабул қилинадиган, маъмурий ишни мазмунан ҳал этмайдиган ҳужжат.	an act adopted by an administrative body in the course of administrative proceedings, which the administrative case is not authorized on the merits
Ҳуқуқий одат	узок давр мобайнида такрорланиши ва амалда бўлиши натижасида шаклланган ва давлат томонидан умуммажбурий қоида сифатида тан олинган ҳуқуқ-атвор қоидаси.	the established pattern of behavior that can be objectively verified within a particular social setting. A claim can be carried out in defense of «what has always been done and accepted by law.» Related is the idea of prescription; a right enjoyed through long custom rather than positive law.
Юридик прецедент	суд ёки маъмурий органнинг ёзма ёки оғзаки қарори бўлиб, бу қарор келгусида шунга ўхшаш бўлган барча ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун асос бўладиган намуна, эталон норма.	the precedent on an issue is the collective body of judicially announced principles that a court should consider when interpreting the law. When a precedent establishes an important legal principle, or represents new or changed law on a particular issue,

		that precedent is often known as a landmark decision.
Норматив-хуқуқий ҳужжат	давлат ваколатли органларининг белгиланган тартибда қабул қилган ҳуқуқий ҳужжати бўлиб, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, умуммажбурий характердаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи ҳуқуқ ижодкорлиги актлари тушунилади.	a written official document in the specified form, adopted by a law-making agency within the limits of its competence and directed at establishment, alteration and cancellation of legal norms, i.e., mandatory orders of temporary or permanent nature meant for multiple application.
Ҳуқуқ ижодкорлиги	бу энг аввало ваколатли давлат органларининг норматив-ҳуқуқий актларини яратиш, уларга ўзгартириш киритиш ёки уларни бекор қилишга қаратилган фаолиятидир.	this is first and foremost activity of the creating normative-legal acts, change them or canceling by the authorized state body.
Қонун	бу норматив акт бўлиб, қонунчилик ҳокимияти органи (ёки референдум йўли билан) томонидан белгиланган тартибда қабул қилинадиган, халқнинг иродасини	it is a legislative act , a document which is adopted in the manner prescribed by representing the will of the people, the supreme legal force and the most

	ифодалайдиган, олий юридик кучга эга бўлган ва бирмунча муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳужжат.	important document regulating social relations by the legislative authority body.
Қонунийлик	бу ҳуқуқ субъектлари томонидан қонунлар ва қонун ости актларига тўла ва аниқ амал қилиниши.	can be defined as an act, agreement, or contract that is consistent with the law or state of being lawful or unlawful in a given jurisdiction.
Юридик маслаҳатчи	ташкilotнинг ҳуқуқий хизмат ходими. У давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг республика ҳамда маҳаллий давлат ва хо‘жалик бошқаруви органларининг , вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг , шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкilotларнинг юридик (ҳуқуқий) хизматини амалга оширади.	legal officer of the organization. It provides legal services to the supreme bodies of state power and administration, republican and local state and economic administration bodies, regional, city and district khokimiyats, as well as enterprises, institutions and organizations
Адвокат	Юридик ёрдам кўрсатувчи шахс	The person who helps in legal affairs
Ҳуқуқ манбалари	ҳуқуқий нормаларнинг ифода этилиш шакллари.	forms of expression of legal norms. The primary

	<p>Хуқуқнинг бирламчи манбаи халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва қоидалари ҳисобланади.</p>	<p>source of law is the universally recognized norms and rules of international law.</p>
--	--	---

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 112 б.

2. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2018.– 76 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й., 02/18/ИПК/0623-сон, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси // Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Тошкент: Ўзбекистон, 2005.– 140-б.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида» ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. № 2. – 48-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. № 9. – 225-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қонуни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. № 11–12. – 295-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. № 9. – 170-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон.

8. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999. № 1. – 8-модда.

9. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999. №1. – 12-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 514-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.

10. Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999. № 5. – 115-модда.

11. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000. №5-6. –140-модда.

12. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрирда) // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 52-сон, 583-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

13. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрирда) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2001. № 20. – 139-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2017 й., 03/17/448/0126-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

14. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002. №12. –213-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон.

15. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002. № 12. – 215-модда.

16. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. № 9-10. – 138-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 467-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сон «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. № 4. – 50-модда.

Махсус адабиётлар

1. Абдусаломов М.Э. Становление и развитие органов юстиции Узбекистана. – Тошкент: Адолат, 1996.

2. Адвокатская деятельность: Учебно-практическое пособие / Буробин В.Н., Власов А.А. и др. – 2-е изд., перераб. и доп. – Москва.: ИКФ «ЭКМОС», 2003.

3. Адвокатская деятельность в Республике Узбекистан: Учебник для студентов бакалавриата: в 2-х тошкент /Отв.ред. М.Х.Рустамбаев, Л.Б.Хван. – Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006.

4. Административная реформа в России. Научно-практическое пособие / Под. ред. С.Е. Нарышкина, Т.Я. Хабриевой. – Москва.: Юридическая фирма «Контракт»: Инфра-М, 2006. – 352 с..

5. Азизхўжаев А.А. Демократия халқ ҳокимияти демакдир. – Тошкент: Шарк, 1996.–226 б.

6. Айзин С.М., Тихомиров М.Ю. Юридическая служба на предприятии: настольная книга юрисконсульта. – Москва.: Юринформцентр, 2003. – 685 с.

7. Алимов Б. Ўзбекистон Республикаси давлат тизимида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатлари. Монография. Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 368 б.

8. Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик. 2-нашр. –Тошкент, 2003. – 367 б.

Хорижий адабиётлар

1. Otakhonov F, Umirdinov A. Law and practice of international arbitraion in the CIS region. – Printed in the United Kindom. Edited by Kaj Hober, Yarik kryvoi: Wolters Kluwer, 2017. – 650 б.

2. Пирштук И.И. Юридическая служба предприятия (объединения) Беларуси в современных условиях. – Минск. : НО ООО «БИП-С», 2013. - 141с.

3. Погребной И.М. Теория права: Учебное пособие. 3-е изд., испр. и доп. Харьков: Государственное специализированное издательство «Основа», 2003.

4. Попондопуло В.Ф. Коммерческое (предпринимательское) право: Учебник. Москва: Юристь, 2010.

5. Правовая работа в условиях перестройки. Москва: ИГПАН,– 150 с.

Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.lex.uz>

2. <http://www.senat.uz>

3. <http://www.gov.uz>

4. <http://www.my.gov.uz>

5. Журнал «Корпоративный юрист». [http:// www.clj.ru](http://www.clj.ru)

6. Журнал «Юрист предприятия». www.law.ru

7. Журнал «Юрист компании». [http:// www.lawyercom.ru](http://www.lawyercom.ru)

8. Журнал «Юридический консультант». [http:// www.jk.ru/jur.htm](http://www.jk.ru/jur.htm)

9. Журнал «Юрист ВУЗа». <http://www.elibrary.ru>

VIII. ТАҚРИЗЛАР

Д. Жўраева томонидан тайёрланган Тошкент давлат юридик университети ҳузурдаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари учун тайёрланган “юридик хизмат” модули ўқув услубий мажмуасига

ТАҚРИЗ

Республикамиз таълим тизимига ахборот-коммуникация ҳамда инновацион технологияларнинг жадал суръатларда тадбиқ этилиши таълим тизими сифатини оширишни ташкил этишнинг шакли ва мазмунида улкан ўзгаришлар ясамоқда. Ҳукуратимиз томонидан бу борада бир қатор қарорларнинг қабул қилиниши таълим муассасаларини ахборот технологиялари билан жиҳозлашда ҳамда билим олувчиларнинг энг замонавий воситалар орқали таълим олишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда ўқитиш самарадорлигини оширишда, анъанавий босма дарсликлар билан бир қаторда, замонавий янги авлод электрон ўқув адабиётлари: мультимедияли (кўп ахборотли) электрон дарсликлар, ўқув кўллианмалар, маърузалар матнлари, электрон дастурлар, дайжест, маълумотлар банки ва бошқалар алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

Ушбу ўқув услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, ПҚ–2909-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Мазкур ўқув услубий мажмуа тингловчиларда юридик хизмат модули бўйича назарий билимлар ва амалий кўникмаларни шакллантириш, фанни ўқитишнинг замонавий ёндашувлари бўйича кўникмаларни шакллантириш, давлат ва нодавлат сектордаги юридик хизматнинг ўзаро фарқлари ҳақида, соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий асослар ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, юридик хизмат кўрсатиш жараёнидаги таваккалчилик ва ушбу соҳадаги халқаро тажриба ҳақида маълумот бериш,

соҳадаги миллий ва халқаро қонунчиликни ўзаро қиёсий-ҳуқуқий ўрганишга кўмаклашишга хизмат қилади қилади деган умиддамиз.

**Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлис Сенатининг Хотин-
қизлар ва гендер тенглик
масалалари қўмитаси раиси**



Ф. Эшматова

**Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлис Сенатининг Юридик
бошқарма бош маслаҳатчиси**



Ф. Сафаров